КПСС XXVI СЪЕЗДИ КАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. № 27 (7768). ● 9 февраль, 1982 йил ★ СЕШАНБА ● Баҳоси 3 тийин

СССР 60 ЙИЛЛИГИГА 60 ЗАРБДОР ҲАФТА

ЧЎЛЛАР ҚЎЙНИДА ГУЛИСТОН

14-ЗАРБДОР ҲАФТАЛИК — ҚУРИҚ ЎЗЛАШТИРУВЧИЛАРИГА БАҒИШЛАНАДИ

Советлар Ватани ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига зарбдор ҳафталиклар давом этяпти. Навбатдаги зарбдор ҳафталик қўриқ ўзлаштирувчиларига бағишланади.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасидан кейинок, Коммунистик партия ва совет ҳукумати қўриқ ерларни ўзлаштириш, уларга сув чиқариш тўғрисида катта ғамхўрлик қила бошладилар. Буюк доҳий В. И. Ленин томонидан имзоланган Декретда Туркистонда суғориш ишларини амалга ошириш учун 50 миллион сўм ажратилганлиги бунинг ёрқин далилидир. Унга мувофиқ, жумладан, Далварзин чўлининг 40 минг десятина майдонини ўз ичига олган суғориш системасини вужудга келтириш кўзда тутилган эди.

Ҳозир Далварзин чўли гулистонга айланган, у коммунизм учун хизмат қилмоқда. Фақат кейинги йилларда бу ерда «Ленинград», «Оқ олтин» совхозлари ва бошқа хўжаликлар ташкил этилди. Уларда пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштирилмоқда. Жумладан, Бекобод районидаги Ленин номли колхоздан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС XXVI съезди делегати А. Рўзиматова, «Далварзин» совхозидан Б. Отахонов, Ойбек номли совхоздан В. Тўхтабоев ва бошқалар бошлиқ бригадалар пахтакорлари ҳар гектар ердан 50—60 центнердан ва ундан ҳам кўпроқ «оқ олтин» етиштириб, чўл хазиналарининг бебаҳолигини амалда исботламоқдалар.

ИМКОНИЯТЛАРДАН ТЎЛА ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Бугун Оржоникидзе районидаги чорвачилик илмий-текшириш институти клубида область партия, совет, хўжалик органлари, колхозлар, совхозлар, бошқа давлат хўжаликлари раҳбар кадрлари қишки ўқувининг иккинчи машғулоти бўлади. Машғулотда КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети IV пленуми қарорлари асосида область колхоз ва совхозларида чорвачиликни интенсивлаш соҳасидаги ишларни янада кучайтириш ва гўшт, сут, тухум етиштиришни кўпайтириш резервларидан тўлароқ фойдаланиш масалалари кўриб чиқилади.

Чорвачиликни интенсивлаш халқ хўжалигининг бу муҳим тармоғини жадал ривожлантиришнинг бош йўлидир. Областимиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари партия ва ҳукуматимизнинг бу соҳадаги кўрсатмаларини амалга ошира бориб, кейинги йилларда қатор тадбирларни кўрмоқдалар. Чорвачилик — сутчилик комплексларининг кўплаб қурилиб ишга туширилиши гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни саноат асосида йўлга қўйиш имконини бермоқда. Шунинг учун ҳам маҳсулдорлик ортмоқда. Ўтган йили қорамол, қўй, эчки, паррандa сони бундан олдиндаги йиллардагига қараганда анча кўпайди.

Илғор хўжаликлар фантехника ютуқларидан омилкорлик билан фойдаланиб, чорвачилик маданиятининг йил сайин юксалишига эришмоқдалар. Сигирларни Львов усулида парвариш қилаётган хўжаликлар ҳар бош соғин сигирдан анча кўп миқдорда сут соғиб олишга, наслчилик ишларининг яхшиланишига, бузоқларни соғлом ўстириш, улардан серсут сигирлар тайёрлашга муваффақ бўлмоқдалар.

Янгийўл районидаги «Коммунизм», Тошкент районидаги Навоий номли, Ғалаба районидаги Энгельс номли, Бекобод районидаги Ленин номли колхозларда олиб борилаётган ишлар бунга яхши мисолдир. Ана шу сингари илғор хўжаликларда подадаги соғин сигирларнинг салмоғи кўпайиб, ҳар юз бош сигирдан 90 тадан ва ундан ошириб бузоқ олинмоқда.

Хонадонлар ва корхоналарнинг ёрдамчи хўжаликларида чорвачиликни янада ривожлантиришга қаратилган тадбирларнинг амалга оширилиши туфайли аҳолидан гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотларини харид қилиб олиш анча кўпайди. Ғалаба, Оҳангарон районларида бу соҳада анчагина тажриба тўпланди. Айниқса, Ғалаба районида маҳсулот жамияти йўли билан амалга оширилаётган ишлар яхши самара бераётир.

Паррандачилик тез суръатлар билан ривожланиб бормоқда.

Бироқ, ўтган йиллардаги қилинган ишларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, ҳали кўпгина хўжаликлар ва айрим районлар ўзлари белгиланган ва область партия комитети томонидан кўриб чиқилиб, маъқулланган тадбирларни бажаришда сусткашлик кўрсатмоқдалар. Ўтган йили Оҳангарон районидаги кўпгина хўжаликларда гўшт, сут, тухум етиштириш топшириқлари бажарилмади. Оржоникидзе районидаги бир қатор колхозлар ҳам ана шундай камчиликларга йўл қўйдилар.

ЧОРВАЧИЛИК — ЗАРБДОР ФРОНТ

Бу йил чорвадорларимиз олдида янги ва юксак вазифалар турибди. Бу вазифаларни муваффақиятли бажариш, ўтган йиллардагига қараганда гўшт, сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун нималарга эътибор бериш керак?

Энг аввало ҳар бир хўжаликда туёқ сонини кўпайтириш, наслчилик ишларини яхшилаш, ем-хашакдан тежаб-тергаб фойдаланиш, илғор тажрибаларни ишлаб чиқаришга тезкорлик билан жорий этиш зарур. Урғочи молларнинг қисир қолишига асло йўл қўймаслик керак. Бу жиҳатдан Калинин районидаги чорвадорлари тажрибаси қимматлидир. Бу районда ҳар йили ҳар юз бош сигирдан 90 тадан ва ундан ошириб бузоқ олинмоқда. Афсуски, бу иш ҳамма жойда ҳам кўнгилдагидек ташкил этилмаган. Оржоникидзе районида ҳар юз бош сигирдан 66—69 тадан, Бўстонлиқ, Чиноз, Бўка, Ғалаба районларида эса 72—76 тадан бузоқ олинган.

Молларни бўрдоқига боқишни малакали ташкил этиш гўшт етиштиришни кўпайтиришнинг муҳим резервларидандир. Илгор районлар ва хўжаликларда гўштга топширилаётган қорамолларнинг вазни 460—540 килограммданга тўғри келгани ҳолда айрим район хўжаликларда бу кўрсаткич анча паст бўлиб қолаётир. Бу ҳол, айниқса, ички эҳтиёж учун сўйилаётган молларда яққол кўриниб турибди.

Ўрғочи молларнинг парваришига яхши эътибор бермай ориқлатиб қўйиб, касалликларга чалинтириб, оқибатда унинг сўйиб юборилишига йўл қўйиш — бу масъулиятсизликдан бўлак нарса эмас.

Қўйчиликни бутун чоралар билан ривожлантириш зарур. Афсуски, айрим район, колхозлар ва совхозларда бу масалага етарли эътибор берилмаяпти.

Масалан, Ўрта Чирчиқ, Коммунистик районларида қўйлар бош сони анча камайиб кетди.

Чўчқачилик, паррандачилик комплекслари қувватидан тўла фойдаланиш, жўжаларни тўла сақлаб қолиш, тухум берадиган товуқлар маҳсулдорлигини ошириш вазифаси мутахассислар олдимасига алоҳида масъулият юклайди. Ҳар бир хўжаликда кам деганда 10 минг бош парранда боқилиши лозим. Афсуски, айрим хўжаликларда паррандачилик фермалари жуда кичрайтириб юборилган. Бундай кичик фермаларнинг табиийки, фойдасидан кўра зиёни кўп бўлаётир.

Сутчилик комплексларини ургочи моллар билан тўла таъминлашга эришиш керак. Бунинг учун четдан келтириладиган зотли молларга кўз тикиб қолмасдан, балки хўжаликларнинг ўзларидаги мавжуд серсут сигирлардан олинадиган бузоқларни алоҳида парвариш қилиш йўли билан юқори маҳсулдор сигирларни кўпайтирайлик!

Партия ва ҳукуматимиз ҳамма имкониятларни яратиб бермоқда. Бу имкониятлардан ўринли фойдаланиш, чорвачиликнинг моддий-техника, озуқа базасини мустаҳкамлаш — маҳсулдорликни янада оширишга хизмат қилади.

▲ Бўстонлиқ районидаги Карл Маркс номли колхозда эрта қўзлатиш мавсуми ҳал қилувчи паллага кирди. Катта чўпон С. Каюпов отарида эгиз қўзилар кун сайин кўпаймоқда. Суратларда: (чапдан) ёрдамчи чўпон Э. Каюпов, ферма мудири Ж. Бурешов, бригада бошлиғи С. Бегалиев ва бош чўпон С. Каюпов: ўнгда янги туғилган қўзилар.

В. Портнов фотолари.

ДАЛАЛАР ЭКИШГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Оққўрғон районининг меҳнаткашлари юксак суръатлар билан органик ўғит тайёрлашга муваффақ бўлдилар. Кузги-қишки ишлар бошланиши билан чорвачилик фермаларидан 55 минг тонна ўғит чиқариб солинди. Бу графикка нисбатан анча кўпдир. Хўжаликларда махсус бригадалар тузилиб, улар трактор, погрузчиклар билан таъминланди. Оққўрғонликлар қўриқ ерларга 60 тоннагача органик ўғит солмоқдалар.

(ЎзТАГ).

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

ЎЗБЕКИСТОН Компартияси Тошкент область комитети, область ижроия комитети ва область касаба союзлари Совети Тошкент областида содир бўлган зилзила оқибатларини тугатишда иштирок этаётган қурилиш ва монтаж ташкилотлари коллективлари социалистик мусобақасининг 1981 йил декабрь ойи якунларини кўриб чиқдилар.

Областда бўлиб ўтган зилзила оқибатларини тугатишда иштирок этаётган қурилиш ва монтаж ташкилотлари коллективлари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини амалга ошириш учун социалистик мусобақанни кенг авж олдириб, меҳнатда маълум ютуқларни қўлга киритдилар. Айниқса, «Узколхозстрой» территориал қурилиш бошқармасининг 131-колхозлараро механизациялашган кўчма колоннаси ва «Средазирсовхозстрой»га қарашли «Промгражданстрой» трестининг 97-механизациялашган кўчма колоннаси коллективлари 1981 йилнинг декабрида юксак меҳнат натижаларига эришдилар.

Ўзбекистон Компартияси область комитети, область ижроия комитети ва область касаба союзлари Совети **«Узколхозстрой» территориал қурилиш бошқармасига қарашли 131-колхозлараро механизациялашган кўчма колонна** (бошлиғи Зотов, партия ташкилоти секретари Коваленко, комсомол ташкилотининг секретари Егунова, қурилиш касаба союз комитети раиси Романенко ўртоқлар), коллективини Тошкент областининг Назарбек посёлкасидаги зилзила оқибатларини тугатиш бўйича назарда тутилган объектлар қурилишида иштирок этаётган қурилиш ва монтаж ташкилотлари коллективлари социалистик мусобақасида 1981 йил декабрь ойи якунлари бўйича голиб деб топдилар. Колонна коллективи бош пудрат бўйича қурилиш-монтаж ишлари ҳажмининг 244,3 процент, шу жумладан ўз кучлари билан 335,7 процент ҳамда ҳар бир ишловчи ҳисобига иш ҳажми планини 263,5 процент қилиб бажарилишини таъминлаган.

Колонна коллективига Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети, область ижроия комитети ва область касаба союзлари Советининг кўчма Қизил байроғи ҳамда 500 сўм пул мукофоти берилди.

«Средазирсовхозстрой»га қарашли «Промгражданстрой» трести 97-механизациялашган кўчма колоннаси колективининг 1981 йил декабрь ойида яхши ишлаганлиги қайд қилинди.

«ҚИЗИЛ ТОНГ» СУРЪАТИ

«Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси цехларида СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақа тобора авж олмоқда. Унда иштирок этаётган кўпчилик бригадалар коллективлари оширилган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаришяпти.

Бригадаларо меҳнат беллашувида А. Архипова раҳбарлик қилаётган коллектив аъзоларининг ютуқлари салмоқли бўлмоқда. Улар ҳар бир ҳафтани ҳақиқатан ҳам зарбдорчасига ўтказиб, топшириқни ортиғи билан ado этишяпти. Топшириқни 120—130 процентдан бажармоқдалар. Аср қурилиши — БАМга бағишлаб ўтказилган ўтган ҳафтада 555 та пальтони савдо шоҳобчаларига чиқаришди. Бу пландагидан 25 та кўндир.

Бирлашманинг Т. Шарафиева, Т. Бондаренко, Л. Ивановалар бошчилик қилаётган бригадалари коллективлари ҳам пешқадамлар сафида боришяпти. Уларнинг ҳар бири йил бошидан бери топшириндагига қўшимча ўнларча минг сўмлик либос ишлаб чиқарди. Меҳнатда кўпчиликка ўрнак бўлаётган бу коллективлар ҳозирги кунларда иш суръатини янада жадаллаштирмоқдалар.

С. СУЛТОНОВ.

23 ТОННА ЁНИЛҒИ ТЕЖАЛДИ

ХУШХАБАР

КЕНГ асфальт йўл бўйлаб Бўкага кириб бораверишда ўнг томонда пештоқига «122-автобаза» деб ёзилган улкан дарвозага кўзингиз тушади. Бу дарвозадан ҳар куни юзлаб юк машиналари кириб чиқади. Автобаза коллективи қишлоқ хўжалиги ходимларига мададкор бўлиб, уларнинг оғирини енгил қиляпти.

Автокорхона коллективи ойлик ва квартал планларини мунтазам ошириб бажармоқда. Ҳар бир машинанинг техникавий шай бўлишини таъминлаш, бригадалар ҳамда ҳайдовчилар ўртасида мусобақани тўғри ташкил этиш, ёнилғи-мойлаш материалларини тежаб-тергаб ишлатиш каби омиллар мана шундай муваффақиятларга эришишга олиб келяпти. Коллективда Жуман Содиқов, Ғафур Маматқулов, Баҳром Эргашев, Козим Мусаддинов, Ғоиб Мадраҳимовлар моҳир ва пешқадамлиги билан танилган. Бу илғор ҳайдовчилар айни кунларда чигит ташишда зиммадаги топшириқларини 105—110 процентга етказиб ado этишяпти.

— Илғор шофёрлар ҳар ўн кунликда рағбатлантириб бориляпти,— дейди автобаза партия ташкилотининг секретари Жўра Асқаров,— ўн кунлик мусобақа якунлари бўйича уларга раҳматномалар ва пул мукофотлари тақдим этилади.

Коллектив ютуқларида Жўра Асқаровичнинг хизматлари ҳам салмоқлидир. Айни пайтда механик вазифасида ишлаётган Жўра ака 22 йилдан буён мана шу даргоҳда. Коммунистларнинг ташаббускорлигини ошириш, уларнинг ҳар ишда бошқаларга намуна бўлишига эришишда партия ташкилотининг секретари жонбозлик кўрсатаяпти. Автокорхонада тежамкорлик учун кураш тадбирлари яхши самара беряпти. Ўтган йили 23 тонна ёнилғи иқтисод қилинди. Бунда айниқса Турғун Сарсенбоев, Раҳмат Абдуллаев, Роҳат Шерматов каби тажрибали шофёрларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Илғорлар ҳақида гап кетганида Иброҳим Раҳимов номи ҳам тилга олинади. 18 йилдирки, у шофёрлик касбини ардоқлаб келяпти. Зиммасидаги топшириқларни мунтазам ошириб бажариш билан бирга ёшларнинг мураббийси сифатида ҳам обрўэътибор қозонган.

Ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилини барча кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли якунлаган автокорхона коллективи бу йил ҳам янада юқори, маррага эришиш учун ҳаракат қилмоқда.

Х. МИРСОЛИЕВА,
Ф. ШАЙМУҲАМЕДОВА.

ЎРТАЧАСИ—120

Оққўрғон пахта тозалаш заводи коллективи ўтган хўжалик йилини меҳнатда яхши кўрсаткичлар билан якунлади. Социалистик мусобақани авж олдириш, илғор иш усулларини қўлланиш, ишлаб чиқариш жараёнларини енгиллаштиришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш туфайли коллектив иши натижаси самарали бўлмоқда.

Пахта тозаловчилар январь ойи топшириғини зиёдаси билан бажардилар. Февраль ойида ҳам унумли ва сифатли меҳнат қилишяпти. Айниқса, корхонанинг Ф. Аметов раҳбарлигидаги бригадаси аъзоларининг меҳнат кўрсаткичлари юксак бўлмоқда. Улар ҳар куни планга қўшимча равишда тонна-тониалаб тола ва момиқ ишлаб чиқармоқдалар. Январь ойи якунлари бўйича голиб чиққан бу бригада аъзоларининг шу кунлардаги ўртача иш кўрсаткичлари 120 процентдан кам бўлмаяпти. Бунда бригаданинг тажрибали ишчилари К. Султонова, М. Ремзозларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Ўз касбини пухта эгаллаган бу пешқадамлар норман бир ярим баравардан ошириб ado этмоқдалар ва иш тажрибаларини ёшларга қунт билан ўргатишяпти.

А. МУСТАФОЕВ.

УМРИ Айтбўтаева Бекободдаги тикувчилик фабрикасининг пешқадам ишчиси. У смена топшириқларни мунтазам ошириб бажариш билан фақат аъло сифатли маҳсулот тайёрламоқда.

З. Шерфединов фотоси.

Серқуёш республикамизда

ТАЛАБ ОШМОҚДА. Наманган областининг савдо ташкилотлари вакиллари область маҳаллий саноати билан халқ истеъмоли моллари отказиб бериш тўғрисида ўнлаб шартномалар тузидилар. Шартномалар область маҳаллий саноати корхоналарининг буюмлари кўргазмаси бу ерга келганидан сўнг имзоланди. Тол ва тут навдаларидан тўқилган мебеллар юқори баҳога сазовор бўлди. Харидорларнинг ана шу буюмларга бўлган талаби айниқса катта. Мўйна, металл, ёғочдан ясалган ажойиб ёдгорликлар ва буюмлар ҳам харидорларнинг зўр қизиқишига сазовор бўлди. Кўргазмада кийим-кечаклар кенг намойиш қилинган.

★ КАМДАН-КАМ учрайдиган гинко дарахти Самарқанд давлат университетининг боғ-зорида тутиб кетди. Унинг кўчатини бутуниттифоқ доривор ва хушбўй ўсимликлари институтининг ходимлари самарқандликларга тортиқ қилишган эди. У ерда студентлар ишлаб чиқариш практикасини ўтагандилар. Университет боғ-зорида банан, бамбук, магнолия, сарв дарахтлари, кактуснинг уч юзга яқин тури бор.

ҒИЖДУВОН ГИЛАМЛАРИ. Ғиждувон район машиний хизмат комбинатида бир йўла иккита цех очилди. Биринчи цехга гилам тўқийдиган йигирмата дастгоҳ ўрнатилди. Бу цех ҳар ойда 400 квадрат метр миллий гилам буюмлари ишлаб чиқаради. Иккинчи цехда болалар кийимини тикиш йўлга қўйилган. Бу кийимларга талаб катта.

★ СОВЕТОБОД районидан шифокор Мақсудовлар оиласининг меҳнат стажи юз йилга тўлди. Юсуфжон ака ўз фаолиятини қишлоқ врачи бўлиб ишлашдан бошлаган эди. Ҳозир у «Тарандубитель» бирлашмасининг медицина пунктида ўттиз йилдан буён узлуксиз ишламоқда. Рафиқаси Ғиссолат опа ҳам у билан бирга ишламоқда. Юсуфжон Мақсудовнинг ташаббуси билан тоғда чинакам саломатлик масканн — профилакторий қад кўтарди. Болалар ҳам ота-оналарининг йўлидан боришди — уларнинг икки қизи ва ўғли олижаноб касб шифокорлик касбини танлаб олдилар.

ЦИСТЕРНАЛАР УЧУН ДУШХОНАЛАР. Самарқанд химия заводида темир йўл цистерналарини ювишдек сермеҳнат иш автомаглар зиммасига юкланди. Химикларнинг буюртмасига биноан «Уралгипрохим» институти махсус станциянинг лойиҳасини тузди, «Самарқандхимстрой» бирлашмаси ходимлари эса уни қисқа муддатда заводга ўрнатдилар. Бу станцияда цистерналар нефть маҳсулотлари ва бошқа суюқ юкларнинг қолдиқларидан тозагина тозаланади. Янгиликдан йилига 10 минг сўмлик иқтисодий самара олинмоқда.

★ НАМАНГАН областининг Поп районидаги Узбеккрозля» комбинати посёлкасини тўрт юз ўринли кенг форматли кинотеатр безади. Биноқорлар кинотеатрни графикда белгиланганидан олдин қурдилар. Чортоқ район марказида ҳам яна битта ана шундай бино қуриб битказилди. Ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида Наманган областида олтита кинотеатр барпо этилди. Ҳозир бу ерда жами уч юздан кўпроқ кинотеатр бор.

ОЛИС САФАР ОЛДИДАН. Сирдарё автомобиль корхонасининг ҳар бир ҳайдовчисига эрта йўлга чиқишдан олдин бир стакан сут ичиришади. Ремонт цехининг ишчиларига ҳам текин сут берилади. Корхонада ёрдамчи хўжалик ташкил этилганидан сўнг бундай имконият вужудга келди. Ёрдамчи хўжаликда ҳозир олтмиш бошдан ортиқ қорамол, қирқ бош қўй боқилмоқда. Шу кунларда автомобиль хўжалигининг ошхонасига ўз теплицасида етиштирилган лимонлар, янги узилган бодринг ва помидорлар келтирилди.

★ КОГОН районидаги Пушкин номли ўрта мактабнинг ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаси СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига ҳар гектар ердан 45 центнер «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олди. Экин майдони қариб икки баравар кўпайтирилиб йигирма гектарга етказилди: ёш пахтакорлар қўриқ ерларни ўзлаштирадилар. Райондаги донгдор деҳқон — Ленин ордени ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Тоҳир Соҳибов ўқувчиларни ўз оталигига олди. Улар ака шу пахтакор раҳбарлигида мўл ҳосил учун курашмоқдалар, кўкламги дала ишларига тайёргарлик кўрмоқдалар.

(ЎзТАГ).

ЖАНГОВАР РЕЗЕРВ

КПСС XXVI съезди қарорларида, ўртоқ Л. И. Брежневнинг съездда партия Марказий Комитети номидан қилган Ҳисобот докладида ҳаёт комсомол олдига кундан-кунга катта-катта талабларни қўяётганлиги, ёшлар ўртасида олиб борилаётган тарбиявий иш формалари ва услубларини муттасил такомиллаштириб бориш лозимлиги алоҳида уқтирилди. Районимиз партия ташкилоти ана шу кўрсатмаларга амал қилиб комсомолга раҳбарлик соҳасида маълум ишларни қилмоқда.

Ёшларнинг ғоявий-маънавий ва меҳнат тарбияси, уларнинг сиёсий, иқтисодий ва социал-маданий вазифаларни бажаришда янада активроқ қатнашишларини таъминлаш масалалари доимо район партия комитетининг диққат марказида турибди. Район комсомол ташкилоти ўз сафига 9,5 мингдан зиёд йигит-қизни бирлаштирган. Комсомол ва ёшлар КПСС XXVI съезди қарорларини, ўн биринчи беш йиллик плантопшириқларини бажаришга актив ҳисса қўшмоқдалар. Ёшлар коллективларида «Қолоқларсиз ишлайлик» шиори остида ташаббус тобора кенг қулоч ёймоқда. Комсомол комитетлари, бошланғич комсомол ташкилотлари касаба союз, хўжалик органлари билан ҳамкорликда йигит-қизларни меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, иқтисод режимига қатъий амал қилиш юзасидан катта иш бошлаб юборганлар. Фақат саноат корхоналарининг ўзида 300 дан ортиқ ёш ишчи зиммасига оширилган мажбуриятлар қабул қилиб фаолият кўрсатмоқда.

Район ёшлари ўн биринчи беш йилликка зарбдор меҳнатларини, бор билим ва маҳоратларини сафарбар этиш юзасидан ватанпарварлик ҳаракатига актив қўшилганлар. Айни кунларда қарийб 3 минг йигит-қиз меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш учун бошланган социалистик мусобақада иштирок этмоқда. Кўплаб комсомол-ёшлар коллективларида бир беш йилликда икки беш йиллик планларини бажариш учун кураш кенг қулоч ёйди.

Илмий-техника тараққиётини ривожлантиришда комсомол ва ёшлар муҳим роль ўйнайдилар. Районимизда илмий-техника ижодиётига 200 дан ортиқ йигит-қиз жалб этилган, 5 та ёш рационализаторлар ва ташкилотчилар мактаби ташкил этилган. Ўтган беш йилликда ёш новаторлар таклифи билан 14 та янгилик ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бу эса ҳалқ хўжалигига 6 минг сўмликдан ортиқ соф даромад келтирди.

Партия ва касаба союз ташкилотлари, совет ва хўжалик органлари йигит ва қизларда меҳнатга коммунистик муносабатни шакллантириш, уларда коллектив иши учун шахсий масъулиятини кучайтириш, план ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилишида қўшаётган ҳиссаларини ошириш юзасидан зарур чораларни кўрмоқдалар. Комсомол ташкилотлари ёшларнинг меҳнат активлигини ривожлантириш, уларнинг профессионал маҳоратини ўстириш, йигит-қизларда меҳнат кўникмаларини ҳосил қилишга катта эътибор бермоқдалар.

Ёшларнинг қишлоқ хўжалиги ишларидаги иштирокини таъминлаш район партия ташкилоти фаолиятининг таркибий қисми бўлиб қолган. Ҳозирги пайтда 4 мингдан ортиқ йигит-қиз қишлоқ хўжалигида меҳнат қилмоқда. Улар деҳқончилик ва чорвачиликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш бўйича кенг қулоч ёйган умумхалқ мусобақасида актив иштирок этишаяпти, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш, техникадан юксак унум билан фойдаланишга муносиб ҳисса қўшяптилар.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: КОМСОМОЛГА РАҲБАРЛИК

Лекин бу борада эришилган ютуқлар чегара эмас, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездида қўйилган масъулиятли вазифалар комсомоллар, барча қишлоқ ёшларни учун катта фаолият доирасини очиб берди. Шу боисдан ҳам партия ташкилотларининг комсомол ташкилотларининг пахтачилик ва сабзавотчиликда, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришда комплекс механизацияни жорий этишга оталигини янада ривожлантиришлари лозим. Колхоз ва совхозларда комсомол-ёшлар коллективларини ташкил этиш, уларга ишлаб чиқаришнинг илғор методларини эгаллашда амалий ёрдам кўрсатиш зарур.

Йигит-қизларнинг меҳнат кўтаринкилигини оширишда, уларда актив ҳаётий позициянинг шакллантиришда ёшларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқуви катта ёрдам беради. Бу борада ҳам районимизда муайян тажриба тўпланган. КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорини изчиллик билан амалга ошира бориб, партия ва комсомол ташкилотлари ўсиб келаётган авлодда юксак ғоявийликни тарбиялаш, уларнинг сиёсий тарбиясини такомиллаштириш юзасидан қатор тадбир ва чораларни амалга оширяптилар.

Кейинги йилларда комсомол сиёсий ва иқтисодий ўқуви янада ривожланди. Тўгараклар ва комсомол сиёсий маорифи семинарлари тингловчиларининг сони ошди, уларнинг сифат состави яхшиланди.

Бу йил 2000 дан ортиқ йигит-қиз марксча-ленинча таълим системасида ўз билимини оширмоқда. Уларга таълим бераётганларнинг кўпчилиги коммунист эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Районимиздаги комсомол маорифи шохобчаларида 50 дан ортиқ партия аъзоси пропагандистлик қиляпти.

Партия, комсомол ташкилотлари амалга оширилган ишларга танқидий ёндошиб, сиёсий тарбияни янада такомиллаштириш юзасидан ишнинг янги форма ва методларини излаб топмоқдалар. Йигит ва қизларни ғоявий жиҳатдан чиниқтиришга ҳали кўп меҳнат сарф этилиши лозим. Ёшларни партия ва совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялашнинг янада таъсирчан формаларини қўллаш, интернационал ва ҳарбий ватанпарварлик тарбия савиясини ошириш ва унинг мазмунини янада бойитиш керак. Афсуски, ҳали ишимизда юзакичилик ҳоллари учраб туради. Янгича анъаналарни ҳаётга тадбиқ этишда ҳам зарур чоралар кўриш лозим.

Яқинда область партия комитети бюроси район партия ташкилотининг комсомолга раҳбарлик соҳасида амалга ошираётган ишларини кўриб чиқди. Бюрода ютуқ ва муваффақиятларимиз тилга олинган ҳолда ҳали кўпгина ишларни амалга оширишимиз, комсомолга раҳбарлик соҳасидаги фаолиятимизни янада такомиллаштиришимиз зарур эканлиги ҳам алоҳида таъкидланди. Район партия комитети бюро кўрсатмаларидан келиб чиққан ҳолда комсомол ташкилотлари ишини яхшилаш, йигит-қизларимизнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётдаги иштирокини янада активлаштириш юзасидан зарур чора ва тадбирларни кўради. Бунинг учун бизда барча имконият ва шарт-шароитлар мавжуд. Шубҳа йўқки, ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилида районда комсомолга раҳбарлик соҳасида янги ютуқлар қўлга киритилади ва КПСС XXVI съезди кўрсатмаларини амалга оширишда ёшлар ҳиссаси янада салмоқли бўлади.

И. САЛИМОВ,
Коммунистик район партия комитетининг иккинчи секретари.

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

★ Мамлакатхон Тўхтаева Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли ишлаб чиқариш бирлашмасида кўп йиллардан бери меҳнат қилмоқда. Ўз касбини пухта эгаллаган моҳир чевар унумли ва сифатли ишлашда касбдошларига намуна бўлмоқда. У СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан бошланган социалистик мусобақада фаол иштирок этмоқда. Ҳар сменада нормани бир ярим баравар ва ундан ҳам ошириб адо этяпти. Меҳнатсевар тикувчи 1983 йил ҳисобига маҳсулот бера бошлаганига бир неча ой бўлди.

★ Ўзбекистон химия машинасозлиги заводининг юзлаб ишчилари зиммаларига шахсий социалистик мажбуриятлар олиб ишламоқдалар. Уларнинг кўпчилиги ваъдаларини муваффақиятли уддалашяпти. Сиз ўнгдаги суратда кўриб турган Айдер Зейдлаев ҳам шундай пешқадамлардан. Юксак малакали пайвандчи норманн 160—170 процентдан бажармоқда.

А. Тўраев ва В. Сироткин фотолари.



ТОШКЕНТ–ЖИЗЗАХ–ИВАНОВО

МЕҲНАТ МУСОБАҚАСИ ДАВОМ ЭТАДИ

Партия ва ҳукуматимиз халқ истеъмоли молларини кўплаб ишлаб чиқариш ва сифатини яхшилашга алоҳида эътибор бермоқдалар. Чирчиқ пойабзал фабрикаси ана шу мақсадда чиройли, енгил, қулай ва сифатли оёқ кийимларининг янги-янги моделларини яратиш учун изланмоқда. Бунинг учун фан ва техника ютуқлари, илғор тажрибалар кенг қўлланилмоқда.

Утган йили пойабзалнинг устки қисмини бичувчи янги юқори унумли ускуналар ўрнатилди. Ҳозир пойабзалнинг таг қисмига ишлов берувчи иккита станок модернизация қилинмоқда.

Бу йил корхонада юз хилдан ортиқ моделдаги пойабзаллар тикиш кўзда тутилган. Илгари ишлаб чиқарилаётган ассортиментнинг 50 проценти янгиланади. Республика савдо корхоналари ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилида чирчиқликлардан икки миллион жуфтдан ортиқ оёқ кийими оладилар.

Б. СОЛИХОВ.

100 ХИЛ ПОЙАБЗАЛ

МУСОБАҚАДОШ ОБЛАСТЛАР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ АЙРИМ ТАРМОҚЛАРИНИНГ 1981 ЙИЛДАГИ АСОСИЙ ИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ

	Тошкент	Жиззах	Иваново
САНОАТ			
Ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари — процент ҳисобида	105,2	115,6	102,5
Реализация планининг бажарилиш проценти	101,9	104,6	101,3
Пландан ташқари реализация қилинган маҳсулот — миллион сўмлик	107,1	12,2	75,5
Маҳсулот реализацияси планини бажармаган корхоналар сони	5	—	36
Корхоналар умумий сонига нисбатан процент ҳисобида	1,2	—	12,3
Саноат ишлаб чиқариш ҳоҳ-дилари сонининг ўтган йилнинг шу даврдагига нисбатан ўзгариши—процент ҳисобида	101,7	110,4	98,5
Меҳнат унумдорлиги планининг бажарилиш проценти	102,6	106,4	100,9
Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари—процент ҳисобида	103,5	104,7	104,0
Меҳнат унумдорлиги планини бажармаган корхоналар сони	28	2	71
Корхоналар умумий сонига нисбатан процент ҳисобида	6,7	3,8	24,2
Барча турдаги калава ишлаб чиқариш—минг тонна	16,3	—	310,8
Калава ишлаб чиқариш планининг бажарилиш проценти	90,6	—	93,5
Барча турдаги газлама ишлаб чиқариш—миллион погон метр	181,6	—	2207,1
Газлама ишлаб чиқариш планининг бажарилиш проценти	85,1	—	94,8
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ			
Барча категориядаги хўжаликларда асосий чорвачилик маҳсулотларини харид қилиш планининг бажарилиш проценти:			
Чорва ва парранда	105	100	92
Сут	108	103	79
Тухум	102	103	108
Колхоз ва совхозларда 1981 йилда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва чорва маҳсулдорлигининг 1980 йилга нисбатан ўзгариши — процент ҳисобида:			
Тирик вазнда сўйиш учун топширилган асосий чорва ва парранда турлари	111,5	107	97
Соғиб олинган сут миқдори	104,0	111	90
Товуқ тухуми етиштириш	111,0	112	107
Ҳар бир сигирдан сут соғиб олиш	100,7	105	93
Ҳар бир товуқдан тухум олиш	100,6	111	103
КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ			
Давлат капитал маблағлари ҳисобига амалга оширилгани процент ҳисобида:			
капитал маблағ сарфлаш планининг бажарилиши	99,4	103	91,0
Қурилиш-монтаж ишлари планининг бажарилиши	93	104	93
Уй-жой қурилишига капитал маблағ сарфлаш—йиллик планига нисбатан	93	94	95
САВДО			
Давлат ва кооператив савдоси товар оборотн планининг бажарилиши, умумий овқатланиш ҳам ҳисобга киради — жами процент ҳисобида	101,5	101,8	102
Шу жумладан, чакана тармоқ товар оборотн	101,5	101,7	102
Умумий овқатланиш товар оборотн	102,0	102,6	102
АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ			
Маиший хизмат кўрсатиш ҳажми планининг бажарилиш проценти—жами	101,2	103,0	100,1
Шу жумладан, шаҳарларда	102,2	107,0	100,1
Қишлоқларда	97,9	102,0	100,01

ЯНГИ ПРЕПАРАТ

Тошкент химия-фармацевтика заводида янги препарат—деёксипеганин гидрохлорид ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. У Ўрта Осиёда кенг тарқалган маҳаллий ўсимлик хом ашёсидан тайёрланади ва нерв системаси касалликларини даволашда ишлатилади.

(ЎзТАГ).

ИДЕОЛОГИЯ ВА ҲАЁТ

ПРОПАГАНДИСТЛАР СЕМИНАРИ

КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида партия ўқувини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, областимизда ҳам 1981—1982 ўқув йилида сиёсий таълимнинг янги шоҳобчаси — ёш коммунистлар мактаблари ташкил этилди.

Область партия комитети ҳузуридаги Сиёсий маориф уйида ана шу мактаблар пропагандистлари учун ойда бир марта доимий семинар машғулотлари ўтказилмоқда. Уларда ёш коммунистларга сиёсий билим бериш соҳасидаги вазифалар, унинг ўзига хос хусуниятлари ҳамда таълим методикасига оид туркум лекциялар ўқилмоқда.

Яқинда ўтказилган доимий семинар машғулотларида ёш коммунистлар мактабларининг тарғиботчилари Тошкент олий партия мактаби доцентлари — иқтисод фанлари кандидати Б. М. Фофановнинг «Партия турмушининг ленинча нормалари ва уларнинг КПСС фаолиятидаги мужассами», тарих фанлари кандидати Л. А. Махлинанинг «Партия пропагандаси методикаси ва санъати», Ҳамза район ижроия комитети методика Советининг раиси, В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг пропагандисти М. И. Лопатниковнинг «Пропагандистнинг машғулотга тайёрланиши ва унинг ижодий плани» мавзуларидаги лекцияларини тингладилар.

ИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАР—ОММАГА

ТОШКЕНТДАГИ «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг ўнлаб ишчи ва хизматчилари корхонада ташкил этилган иқтисодий мактабларда партиямиз XXVI съезди материаллари, КПСС иқтисодий сиёсатининг энг асосий масалаларини пухта ўрганмоқдалар.

Бу ишда уларга бирлашма партия ташкилоти ҳузурида ташкил этилган методика Совети яқиндан ёрдам бермоқда. Унинг аъзолари иқтисодий мактабларда ўрганилётган назарий билимларнинг корхонанинг ўн биринчи беш йиллик амалий вазифалари билан алоқасини мустаҳкамлаш борасида пропагандистларга конкрет тавсиялар берадилар.

Шунингдек, иқтисодий таълим машғулотларини ташкил этиш ва назорат қилиш, илмий-техникавий конференциялар ўтказиш, илғор пропагандистлар иш тажрибаларини ёйиш, тегишли методик қўлланмалар ишлаб чиқиш борасида ҳам намунали тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу боисдан ҳам иқтисодий мактабларнинг машғулотлари юқори савияда ўтмоқда. Айниқса, тарғиботчилардан М. Мансурова, Д. Сулаймонова, Э. Тўлаганов, А. Шообидов ўртоқлар ўтказаётган ҳар бир машғулотда иқтисодий билимлар бевосита у ёки бу цех, у ёки бу сменанинг кунлик ва ойлик топшириқларини бажариш борасидаги конкрет вазифалари билан чамбарчас боғлаб олиб борилмоқда.

ҲАФТАЛИК ЗАРБДОРЛАРИ

СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига зарбдор ҳафталикларда Олмалиқ гилам фабрикаси коллективи ҳам актив иштирок этяпти. Улар ўтган йил планини муддатидан беш кун илгари адо этиб, пландагига қўшимча 300 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришган эди. Бу йил янада улкан марраларни кўзлаб меҳнат қилаётган коллектив социалистик мусобақани тобора авж олдиряпти. Мастер ёрдамчилари М. Муродов, В. Марченко, А. Холматов бошлиқ бригадалар зарбдор ҳафталикларда фахрли ўринларни эгаллашяпти.

Утган ҳафта якунлари бўйича тўқув цехнинг мастер ёрдамчиси Салават Уздебоев бошлиқ коллектив биринчи ўринни қўлга киритди. Улар ўтган йили 1 миллион 281 минг квадрат метр асос материаллари тўқишган эди. Бу йил эса пешқадамлар 1 миллион 285 минг квадрат метр маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олишган. Айни кунларда барча резерв ва имкониятлар бу маррани забт этишга сафарбар қилиняпти.

Х. АЛИМОВ.

ЮБИЛЕЙ ВАХТАСИДА

▲ Республикамиз пойдахтидаги шарикоподшипник заводи коллективи ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилини яхши бошлади. Бунда ишлаб чиқариш илғорларининг ҳиссаси катта бўлмоқда Фая Боева уларнинг бири — доим мусобақанинг олдинги сафида бормоқда. Унинг меҳнат календарида 1983 йил бошланган. Ишининг сифатли ҳам кўнгилдагидек.

А. Тўраев фотоси.

ТАШАББУСКОРЛАР ИЗДОШЛАРИ

ЭКОНОМИКА ТЕЖАМЛИ БЎЛСИН

ТОШКЕНТ шаҳар Ленин райони саноат корхоналарида хомашё ҳамда ёқилғи-энергетика ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш ҳаракатн тобора авж олмоқда. Ҳар бир бригада, цех, смена ва корхона коллективи келгусида юксак самара берадиган тадбирларни белгилаб, амалга оширмоқдалар. Бу борада В. И. Ленин номли электрон техника заводида қилинаётган ишлар, айниқса, ибратлидир. Коллективнинг тежамкорлик борасидаги ютуқлари ҳақида завод партия комитетининг секретари М. М. РАСУЛОВ мухбиримизга қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди:

— Халқимизда «эрта бугундан бошланади» деган ажойиб нақл бор. Корхонамиз ишчи-хизматчилари ҳам йил сҳирига бориб барча ишларга якун ясалганда юзларн ёруғ бўлиши учун йилнинг дастлабки кунлариданоқ ҳар борада пешқадамлар сафида бўлишга ҳаракат қилдилар. Айниқса, съезд бошлангунга қадар квартал планини бажариш ҳаракати ажойиб самара берди. Бу ташаббуснинг ишлаб чиқариш бошланиши барча қўйи коллективларда меҳнат кўтаринкилигини вужудга келтирди. Ундан ортиқ цех, бригада ва участкалар, шунингдек мингдан зиёд ишчи съездга қадар квартал планларини бажаришга сўз бердилар. Шонли сана арафасида барча коллективларимиз ҳамда илғорларимиз мажбурият шараф билан бажарилганлиги ҳақида рапорт бердилар.

Корхонада ўтказилаётган социалистик мусобақанинг мунтазам якунланиб бориши, голибларни тантанали равишда тақдирлаш барча қўйи коллективларда ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг юксалишини таъминлади. Бундан ташқари «Энг яхши мураббий», «Ўз касбининг устаси», «Энг яхши технолог», «Энг яхши ишлаб чиқариш мастери» сингари юксак номларга сазовор бўлиш учун ўтказилган меҳнат беллашувлари ҳам ҳар бир ишчининг меҳнат активлигини оширди. Ўз вазифасига янада юксак масъулият билан ёндошишни таъминлади.

Барча формадаги социалистик мусобақанинг шартларида унинг асосий талабларидан бири ҳомашё, ёнилги-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳисобланади. Шунинг учун барча илғорлар айнан шу кўрсаткичларни яхшилашга ҳаракат қиладилар.

Бугунги кунда Рита Топилская бошлиқ цех коллективи, созловчи Анвар Муҳамедов, назоратчи Манзура Маҳкамова, токарь Всеволод Дуйкин, электр монтёри Николай Глоховларни корхонамизда ҳурмат билан тилга оладилар. Бу илғорларимиз тежамкорлик ҳаракатига карвонбошилик қилишяпти. Тежамкор ишчилар ҳамкасбларига ҳар томонлама намуна бўлмоқдалар. Уларнинг тежамкорликка қаратилган рационализаторлик ва ихтирочилик таклифлари эса бирғина съездлар йилида 2 миллион сўмлик иқтисодий самара берди. Бу кичик кўрсаткич эмас, албатта. Бундан ташқари 1 миллион 300 минг киловатт-соат электр энергияси тежаб қолинди.

Созловчи А. Умаров республикамиз 15 ишлаб чиқариш илғори сафида бир беш йилликда ўн йиллик топшириғини бажариш ташаббуси билан чиқиши нур устига аъло нур бўлди. Бундай юқори кўрсаткичларга эришиш мумкинлигини кўрган кўплаб ишчилар бу ташаббусга қўшилдилар. Бу ҳаракатнинг оммавий тус олиши тез орада ўз самарасини берди. СССР Конституцияси кунига қадар — 7 октябргача заводнинг 560 илғор ишчси йиллик планни бажарди.

Лекин бу ютуқдан кейин ҳам қўйи коллективларда хотиржамликка берилиш ҳоллари сезилмади. Чунки, етакчи цех ва бригадаларимиз Октябрь революцияси байрамига қадар йиллик топшириқларни бажариш мажбуриятини олган эдилар. Бунинг учун янада унумлироқ ишлаш, янги резервларни ишга солиш талаб этиларди. Бу вазифа ҳам шараф билан адо этилди. 6 ноябрь куни 2250 киши шахсий йиллик план бажарилганлиги ҳақидаги рапортга имзо чекди.

Съездлар йили социалистик мусобақасининг якунларига кўра Г. Барковский, И. Аронов, В. Гусев бошлиқ цехлар тежамкорлик ҳаракатида голиб чиқдилар. Созновчи Е. Карогоди, қуювчи Х. Абдурашидов сингари тежамкорлар эса ишлаб чиқаришда ҳам пешқадамлик қилиб, икки йиллик план бажарилганлигини маълум қилдилар. Токарь Т. Муҳиддинов, силлиқловчи В. Грунина сингари ўнлаб ишчилар эса айни пайтда 1982 йилнинг август ойи ҳисобига меҳнат қилишяпти.

Ишлаб чиқаришнинг барча техник-иқтисодий кўрсаткичлари бўйича 1981 йил планининг муваффақиятли бажарилиши ҳам, тежамкорлик соҳасидаги завод кўрсаткичлари ҳам ҳаммамизни беҳад қувонтирди. Йил давомида тежалган металл, ишлаб ҳамда бошқа энергетика ресурслари 1 миллион 300 минг сўмликни ташкил этди. Қолаверса бу ютуқ заводимиз меҳнат аҳли янада тежамкор бўла олишини кўрсатди. 1982 йил учун олган социалистик мажбуриятларимизнинг юксак эканлиги ҳам ана шундан келиб чиқади.

Корхонамизда «СССР 60 йиллигига 60 зарбдор ҳафта» шиори остида социалистик мусобақа ўтказилаётганлиги яхши натижа бермоқда. Ишчи-хизматчилар ҳар бир зарбдор ҳафталикда янги ютуқларни қўлга киритишга ҳаракат қилмоқдалар. Бундан ташқари 1982 йилга олинган юксак мажбуриятларни бажариш учун яна бир ажойиб ташаббус бошланди. Заводимиз коллективи «Ўн беш иттифоқдош республикага 15 зарбдор ой» шиори остида меҳнат ва спорт эстафетасини ўтказишга қарор қилди. Бу ўзига хос социалистик мусобақа ҳам СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланиб, юбилей арафасида якунланади. Бундан мақсад ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, завод меҳнаткашлари ўртасида бардамлик, тетиклик ва саломатлик манбаи бўлган физкультура ва спорт билан шуғулланишни оммалаштиришдир. Ҳозирги пайтда тўртинчи зарбдор ойни якунлашга ҳозирлик кўрмоқдамиз. Шунисси диққатга сазоворки, бу мусобақа шартларига ҳам барча материаллардан, электр энергиясидан тежаб-тергаб фойдаланиш, иш ҳақи фондининг ортиқча сарф бўлишига йўл қўймаслик, шахсий мажбуриятларнинг албатта бажарилишини таъминлаш сингари боблар киритилган. Бундан ташқари голиблар учун пул мукофотлари таъсис этилган.

СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги нишонланадиган 1982 йилда янада самарали меҳнат қилиб, тежамкорлик борасида ҳам энг юқори кўрсаткичга эришишга қарор қилганмиз. Тежалган барча ҳомашё, металл, электр энергияси билан бир ҳафта меҳнат қиламиз. Ўнлаб минг сўмлик маҳсулот тайёрлаймиз.

ҲАЁТ ИШҚИ

ТЎЙҲАТ ЎРНИДА

Мен ёзувчи ҳам, журналист ҳам эмасман, оддий бир ишчиман. Ҳаётда шундай одамлар бўларканки, киши гарчи қаламкаш бўлмаса-да, ўз қалбини тўлқинлантирган ҳис-туйғуларни бошқалар билан баҳам кўргиси келиб қоларкан. Шундай пайтларда қўлга беихтиёр қалам-қоғоз олар экансан.

Бугун мен ўзининг 60 ёшини қаршилаётган якин дўстим Карим Аҳмедов ҳақида икки оғиз ҳикоя қилмоқчиман. Каримжоннинг етти аждоди Қашқадарё областининг Қосон қишлоғида деҳқончилик қилиб келган. Отаси Аҳмад ака ҳам, онаси Маъқул опа ҳам колхозда ишлашган.

1941 йил баҳори оғир келди. Ўша йил кўклами Аҳмад ака билан Маъқул опанинг оиласига бахтсизлик келтирди: Каримжон чечак касали билан оғриб, кўр бўлиб қолди. Косонда кўрсатмаган докторлари, боқиймаган табиблари қолмади. Аммо ота-онанинг елиб-югуришлари зое кетди. Каримжоннинг фақат ўнг кўзи сал-пал кўрар, чап кўзи эса бутунлай кўр бўлиб қолган эди.

Орадан йиллар ўтиб, Каримжон балоғат ёшига етди. Ёши улғайган сари йигитча кўзининг ногиронлиги кишини қанчалик оғир аҳволга солиб қўйишини тобора чуқурроқ тушуна борди. «Нима қилсам экан, бундан бўён қандай яшашим керак? — Каримжон делрли ҳар куни ўзига-ўзи шундай саволлар берар, аммо уларга бирор жўяли жавоб тополмасдан қийналар эди.

Ниҳоят йигитча ҳаётида ҳал қилувчи одим ташлайдиган кун ҳам етиб келди. Каримжон кўрлар ҳунар-техника мактабига жойлашишга қатъий қарор қилиб, Тошкентга жўнади. Аммо бу ерда уни «Бизнинг мактабга кириш учун ёшингиз кичик» дейишлари, деб қайтариб юборишди. Каримжон эса унча-мунча қийинчиликлар олдида чекинадиган кишилардан эмаслигини ўша ўсиб-ўсиб, ниҳоятда кўрсатган эди. У ўзидан кўра уч-тўрт қўйлакни ортиқ йиртган бир кишининг маслаҳати билан Ўзбекистон Кўрлар жамияти Марказий правлениеси Президиумининг раиси Қудрат Примқуловга ўқишга киришга ёрдам беришини сўраб мурожаат қилди.

— Ўшанда Қудрат ака менга ҳам акалик, ҳам оталик, ҳам раҳнамолик қилган эдилар, — деган эди Каримжон суҳбатларимиздан бирида. — У кишининг бир оғиз сўзлари билан мен ўқишга жойлашдим. Қисқа вақт ичида Брайль ёзувини ўргандим, шолча тўқиш, каллава ўраш, арқон эшиш, чўтка ясаш каби ҳунарларни эгаллаб бордим. Ҳар хил музика асбобларига қўлим келиб қолди.

50-йилларнинг бошларида Карим Аҳмедов бошчилигидаги музикачилар ва ашулачилар ансамбли Тошкент областининг Янгийўл, Чиноз, Бўка, Пискент ва бошқа районларга бориб, мароқли концертлар қўйиб бергани ҳали-ҳали ёдимда.

Каримжон ҳунар-техника мактабини тугатгач, ўша ернинг ўзида инструкторлик вазифасида қолдирилди. 1953—58 йилларда ўқитувчилик қилди, уйма-уй юриб, кўрлар ўртасида брайлча (рельеф нуқтали ҳарфларга асосланган кўрлар ёзуви) саводсизликни тугатиш кампаниясида қатнашди.

Кейинроқ Карим Аҳмедович Кўрлар жамияти системасида турли раҳбарлик вазифаларида ишлади. Масалан, жамиятнинг Тошкент область правлениеси раиси, Тошкент саралаш ва ювиш фабрикаси директори, жамият Марказий правлениеси Президиуми раисининг ўринбосари ловозимларида хизмат қилди. Шу даврнинг ичида у 1957 йилда К. Маркс номидаги педагогика билим юртини, 1964 йилда Низомий номидаги педагогика институти ўзбек тили ва адабиёти факультетининг кечки бўлимини тугатди.

К. Аҳмедов республикамиз кўзи ожизлар учун чиқариладиган «Бир сафда» — «В одном строю» журналига салкам 14 йилдан бери бошчилик қилиб келмоқда. Журналнинг йил сайин сермазмун, қизиқарли бўлиб боришида бош муҳаррирнинг роли катта, албатта. Журнал муштарийлари унинг қалами ўткир журналист эканлигини мунтазам босилиб турадиган мақолаларидан яхши биладилар. К. Аҳмедов камолот пиллапояларидан тобора юксакликка кўтарила бориб, бадиий адабиёт соҳасида ҳам қалам тебрата бошлади. Якинда унинг Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти томонидан чиқарилган «Одамлар орасида» номли воқеий қиссасини завқшавқ билан ўқиб чиқдим. Қиссада Ўзбекистон ССР Кўрлар жамиятининг вужудга келиш ва оёққа туриш тарихи, бу ишда фидойилик кўрсатган кишиларнинг характерлари бадиий тарзда ҳаққоний ҳамда чуқур ифодаланган. Ундаги лавҳалар авторнинг букилмас иродаси, изчиллиги, маҳорати ва интилиши, ҳаётни жон-дилдан севиши ва унинг етуклигидан дарак бериб турибди.

Файзли довон ошган дўстимни ана шу баркамол ёши билан қутлаб, унга янги ижодий парвозлар тилайман.

Жамоллиддин КАРИМОВ,
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, I группа инвалиди.

СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига 60 зарбдор ҳафта шиори остида ўтаётган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида актив иштирок этаётган Далварзин ремонт-механика заводи ишчи-хизматчилари кундан-кунга юқори натижаларга эришмоқдалар. Ремонтчи-слесарлар ўртасидаги беллашувда илғор ишчи Қосимжон Охунов пешқадамлик қилаётир. У кунлик топшириқни 1,5—2 ҳисса бажариб келмоқда. Суратда: Қ. Охунов иш устида.

М. Қорабеков фотоси.

ҚИШЛОҚЛАРДА... ГЎШТ ДЎКОНИ

ҚУШХОНАДАН чиққан биринчи машина район маркази — Солдатское посёлкаси томон йўл олди. Бу ерда матлубот жамиятининг тўртта гўшт дўкони бор. Экспедитор машинадаги гўштнинг бир қисмини шу ердаги дўконларга тарқатиб, сўнг қўшни қишлоқларга ўтади. Бошқа аҳоли пунктларида ҳам мана шундай 11 та гўшт дўкони очилган. Кунора район матлубот жамияти машиналари бу дўконларга бир-бир гўшт тарқатиб чиқади.

Ўша куни гўшт ортган машиналарнинг яна бири Тошкент шаҳри томон, иккинчиси Бекобод шаҳри томон йўл олди.

— Машиналаримиз Тошкентга ҳар ҳафтада икки марта рейс қилади, — дейди район матлубот жамияти правлениеси раиси Т. Ф. Темникова. — Январь ойи ичида пойтахт аҳолисига 15 тонна гўшт етказиб бердик. Февраль ойи гўштни бундан ҳам кўпайтириш ниятимиз бор. Ҳозир молларнинг боқуви яхши. Улар жадал семиртириляпти. Чорвадорларимиз қишки имтиҳондан муваффақиятли ўтмоқдалар.

Район матлубот жамияти ёрдамчи хўжалигида чорвачилик ва паррандачилик комплекслари ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Бу ишга 1980 йилнинг охирларида киришилган эди. Ўша кезларда «Коммунизм» совхозининг эски устахонаси матлубот жамиятига берилди. Жамият ходимлари тезда устахонани жўжалар боқишга мослаштириб олишди. Қурилиш учун ортиқча маблағ йўқ эди. Шу боисдан ҳам барчаси ишлар ҳашар йўли билан бажарилди.

Паррандачилик етти хазинанинг бири, деб бежиз айтишмаган экан. Келтирилган жўжалар уч-тўрт ой ўтмай тороз босадиган, кейин эса тухум қиладиган бўлиб қолди. Ҳозир ҳисоблаб қарашса, гўшт учун бир йилда 175 мингта жўжахўроз сотилибди. Тезда товуқлар учун қўшимча бино қурилиши бошлаб юборилди. Бунинг учун совхознинг Қўрғончи участкасидаги тўқайзордан каттагина майдон ажратилди.

— Чунки эски устахона энди паррандалар учун торлик қилиб қолган эди, — дейди район матлубот жамияти правлениеси раисининг ўринбосари Абдуғани Маматов. — Устахонада жўжа очириладиган инкубатория шкафлари монтаж қилинди. Бу шкафлардан бир йўла 100 минг жўжа чиқади. Дастлабки жўжалар шу ердаги учта корпусда боқила бошланди. Энди уларни ажратиб гўштбопини сотишга, сер-пуштини боқишга қолдириш керак эди. Шунинг учун янги товуқхонага эҳтиёж сезилди.

Янги паррандачилик фермаси қурилиши бошланиши билан махсус штаб тузилди. Район партия комитетининг иккинчи секретари О. Турғунбоев бу штабга раҳбарлик қилди. Қурилишга жалб этилган ташкилотлар

ЕРДАМЧИ ХЎЖАЛИКЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРАИЛИК

штаб мажлисларида ўзлари бажараётган ишлар тўғрисида ҳафта сайин ҳисоб бериб турдилар. Қурилишга хашарчилар, матлубот жамияти ходимлари тезда устахонани жўжалар боқишга мослаштириб олишди. Қурилиш учун ортиқча маблағ йўқ эди. Шу боисдан ҳам барчаси ишлар ҳашар йўли билан бажарилди.

Паррандачилик етти хазинанинг бири, деб бежиз айтишмаган экан. Келтирилган жўжалар уч-тўрт ой ўтмай тороз босадиган, кейин эса тухум қиладиган бўлиб қолди. Ҳозир ҳисоблаб қарашса, гўшт учун бир йилда 175 мингта жўжахўроз сотилибди. Тезда товуқлар учун қўшимча бино қурилиши бошлаб юборилди. Бунинг учун совхознинг Қўрғончи участкасидаги тўқайзордан каттагина майдон ажратилди.

— Ҳозир ёрдамчи хўжаликда 679 бош бузоқ боқиляпти, — дейди база мудири Турғун Азизов. — Қунжара, шелуха, аралаш озуқа етарлича келиб турибди. Рустам Азизов, Азиз Холидов каби тажрибали молбоқарлар бузоқларни жадал семиртиришяпти. Ўтган йили биз 770 тонна гўшт етиштиришга муваффақ бўлдик.

Ферма яқинига дағал хашаклар ғарамланган. Матлубот жамияти ходимларидан тузилган махсус бригада ёзда пичан ўримига чиққан эди. Бу ғарамлар ўша кезларда буйёд этилган. Ҳашарчилар қисқа муддатда 140 тонна табиий ўтни ўриб, ғарамлаб бердилар. Бундан ташқари 60 гектар майдонда ҳам озуқабоп экинлар экилди. Шу боисдан ҳозир озуқадан қийналиш йўқ. Область матлубот жамияти ажратаётган ем ва аралаш озуқа ҳам вақтида келиб турибди.

— Ёрдамчи хўжалигимизнинг биринчи йил якунлари кутганимиздан ҳам яхши бўлди, — дейди Тамара Федоровна. — Истеъмолчиларга 175 мингта товуқ, 770 тонна гўшт етказиб бердик. Чорва маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш юзасидан ёрдамчи хўжаликлар ўртасида ўтказилган мусобақада ғолиб чиқиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи ҳамда Центросоюзнинг дипломини қўлга киритдик. Бу мукофотлар бизни янада унумли меҳнат қилишга ундаяпти. Шу йилнинг биринчи кварталида биз гўштга боқилаётган бузоқларни 800 бошга етказишга аҳд қилганмиз. Бундан ташқари яқин кунлар ичида 400 бош чўчқа боқиладиган янги корпусни ишга туширамиз. Паррандалар сони эса кун сайин ошиб бормоқда. Инкубаториядан чиқаётган жўжаларни аҳолида парвариш қилмоқдамиз. Йил давомида аҳолига 200 мингта паррандa ва 800 тонна гўшт етказиб бериш мажбуриятини олганмиз. Ҳозир бутун эътибор мана шу маррани эгаллашга қаратилгандир.

Ж. НОСИРОВ,
Ғалаба райони.

ЮКСАК МАРРАЛАРНИ КЎЗЛАБ

КЕЙИНГИ йилларда Оҳангарон районидаги Қийбшев номли совхозда чорвачилик жадал ривожланиб бораяпти. Ўтган йили хўжаликнинг ферма ходимлари эл дастурхонига 2 минг тоннадан кўпроқ сут тортиқ қилдилар. Бунга чорва моллари бош сонини кўпайтириш, улар маҳсулдорлигини ошириш ҳисобига эришилмоқда. Ўн биринчи беш йиллик дастлабки йилларида ўзида қорамоллар сони 60 бошга кўпайтирилиб, 1860 бошга етказилди. Ҳар бир сигирдан соғиб олинган сут миқдори 175 килограммга ортди.

Совхоз чорвадорлари ўртасида кенг қулоч ёйган социалистик мусобақада Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, республикада хизмат кўрсатган чорвадор Ҳ. Обилова, Қ. Алимова, И. Усмонқулова, С. Худойбердиева, О. Ўрозалиев, Ҳ. Юсуповлар пешқадамлик қилмоқдалар. Улар чорва моллари маҳсулдорлигини муттасил ошириб, эл дастурхонининг гўшт ва сутга тўкин бўлишига муносиб ҳиссаларини қўшишмоқда.

СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга аҳд қилган хўжалик чорвадорлари 1982 йил учун оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар. Улар бу йил 2320 тонна сут, 360 тонна гўшт етиштириш учун курашмоқдалар.

Ферма ходимларининг сўзи билан ишлари бир. Улар йил бошиданоқ чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириб бормоқдалар. Ҳозир кунига ўтган йилга нисбатан 1,8—1,9 тонна кўп сут етиштириляпти.

Н. АБДУРАСУЛОВ,
А. ОМОНБОЕВ.

ИШЧИ ОИЛАЛАРИГА

Кенг магистрал йўлдан ўтиб бораётган кишиларнинг кўзи беихтиёр турналқатор кўкка бўй чўзаётган оқиш биноларга тушади. Бу Чиноз районидаги «Партия XXIV съезди» совхозининг Ильичёвка посёлкасидир. Посёлкада ой сайин янги коттежлар қуриб битказиляпти. Уларда барча қулайликлар муҳайё. Пиил давомида 5 минг квадрат метр майдонни эгаллайдиган ўнлаб коттежлар совхоз ишчилари ихтиёрига берилади.

Қурувчилар совхозда бошқа объектларни ҳам тез ва соз бунёд этмоқдалар. Маданий-маиший корхоналар, янги болалар боғчалари қурилиши жадал олиб бориляпти.

Районнинг бошқа хўжаликларида ҳам қурилишлар кенг қулоч ёймоқда. Ўтган йили Охунбобоев номли колхозда, «Олмазор» совхозида кўркам мактаблар, «Москва» колхозида эса болалар боғчаси қуриб битказилди.

М. ЗАРИПОВ.

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ

ИЖРО ВА САМАРА

...Саноат, транспорт ва алоқа бўйича доимий комиссия аъзоларига пассажир транспорти ишини янада яхшилаш юзасидан шикоят тушди. Доимий комиссия бу масалани ўрганиб, шаҳар Советининг сессияси кун тартибига киритишга қарор қилди. Шаҳардаги автобус-таксомотор парки, 5-автобус маршрути ишлари таҳлил қилиниб, камчиликлар аниқланди.

Сессия материаллари автобус-таксомотор парки коллективида кенг муҳокама қилинди. Автобуслар қатнови яхши йўлга қўйилди. Хизмат кўрсатиш маданиятини юксалтириш бўйича тадбирлар белгиланди. Тақиқ ўз самарасини берди.

Бекобод шаҳар Совети, унинг ижроия комитети депутатларнинг доимий комиссияларидаги фаолиятини кучайтиришга алоҳида аҳамият бермоқда. Натижада доимий комиссиялар турли муҳим масалаларни қараб чиқиш ва ҳал этишда актив қатнашмоқдалар.

Социалистик қонунчилик ва жамоат тартибини сақлаш бўйича тузилган доимий комиссиянинг фаолияти ҳам фикримизнинг далилидир. Унинг аъзолари ўтган йили шаҳар халқ контроли комитети, унинг группа ва постлари аъзолари билан ҳамкорликда 28 та корхонадаги ёқилғи-энергетика ва моддий-меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг аҳволи текшириб чиқдилар. Комиссиянинг кенгашида тегишли қарор қабул қилинди. Ўтган йили шаҳар бўйича 3976 минг киловатт электр энергия, 10,6 минг гигакалорий иссиқлик энергияси, кўплаб бензин, цемент ҳамда қурилиш материаллари тежаб қолилгани бунинг самарасидир.

Депутат ҳисоботи маҳаллий ҳокимият органлари иш фаолиятининг ошкоралигини таъминловчи муҳим омилдир. Шу туфайли шаҳар Совети ижроия комитети халқ вакилларининг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга алоҳида аҳамият бермоқда. Ҳозиргача 175 нафар депутат бир мартадан, 156 депутат эса икки мартадан ҳисоб берди.

Ҳисоботларда билдирилган таклиф ва мулоҳазалар умумлаштирилиб, ижроия комитет қарори билан тасдиқланади. Ўтган йили сайловчилардан тушган ана шундай таклифларнинг 38 таси амалга оширилди.

Ҳозиргача депутатларга билдирилган наказларнинг 70 процентдан ортиқроғи бажарилди. Наказлар асосида 19 минг квадрат метрдан зиёд турар-жой фойдаланишга топширилди. Кўплаб ишлаб чиқариш ва маданий-маиший объектлар қуриб битказилди. Корхона ва ташкилотлар ёрдамида 701 минг сўмлик ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Киров посёлкасида сабзавот дўкони, 11-микрорайонда арзоқлаштирилган товарлар билан савдо қилувчи магазин очилди. 82-магазин ҳузурида келин-куёвларга хизмат кўрсатувчи бўлим ташкил топди.

Депутатларнинг фаолиятини корхоналардаги группа ва постларда марказлаштириш ишнинг самарали формаларидан бири бўлиб қолди. Ҳозир жойларда 198 кишини бирлаштирган 17 та территориал ва ишлаб чиқариш депутатлик группалари мавжуд. Улар планларнинг бажарилиши ва иш сифати, қурилишларнинг муддатида фойдаланишга топширилишини доимий назорат қилиб бормоқдалар. Шу туфайли бунёдкорлик объектларидан Сирдарё кўприги, дорихона, Советлар уйи қурилишларида суръат жадал.

И. Эл-ҳўзиев бошлиқ бўлган депутатлик постининг фаолиятини шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Бу Т. Жамбилов, М. Ортиқов, В. Пак ва В. Лазерова сингари депутатлардан ташкил топиб, Макаренко номли 11-ўрта мактаб қурилишини текшириб бораяпти. Халқ вакилларининг пухта назорати, кўмаги туфайли 320 ўқувчи ўринли объектни қуриш графикдагига қараганда анча илдам давом этмоқда.

Илғор ташаббусларни кенг оммалаштириш, депутатларни халқ хўжалиги ҳамма соҳаларидаги муаммоларни бартараф этишга янада кенгроқ жалб қилиш ижроия комитетининг диққат-марказида. Улар 1982 йилга мўлжалланган оммавий-ташкилий тадбирлар планида ўз аксини топган. Тадбирларнинг амалга оширилиши турли соҳаларда қўлга киритиладиган ютуқларнинг омили бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

М. ПАК,
А. БОБОБЕКОВ.

ЧЎПОНЛАР ҲУЗУРИДА

ҚИШЛИ-қировли кунларда Бўстонлиқ районининг чорвадорлари фидокорона меҳнат қилишяпти. Улар моллари қишдан соғ-омон олиб чиқиш учун барча тадбирларни амалга оширмоқдалар. Олис отарлардаги чўпонларга ҳар томонлама ғамхўрлик қилинмоқда. Уларни иссиқ кийим-кечак ва зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдан ташқари маданий-маиший ҳордиқ чиқаришлари тўғрисида ҳам қайғуриляпти.

Чорвадорларга хизмат кўрсатиш учун махсус ташкил этилган бригада маршрути тоғ йўллари бўйлаб ўтади. Яқинда бу коллектив Фрунзе номли колхоз фермасига ташриф буюрди. Шунингдек, Калинин номли колхоз чўпонлари ҳам уларнинг маданий хизматидан баҳраманд бўлдилар. Бригада составида район маданият уйининг бадиий ҳаваскорлари ва «Билим» жамиятининг лекторларини кўриш мумкин. Бригаданинг сартарошлари, бичиқчилари, фотографлари, кийим тозаловчилари ҳам чўпонларга хизмат кўрсатишяпти.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ЯКШАНБА КУНГИ ЧЕТ ЭЛ ВОҚЕАЛАРИ

ЖОРЖ МАРШЕНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ПАРИЖ. Франция Компартиясининг Бош секретари Жорж Марше Франция телевиденнеси орқали ўтказган суҳбатида АҚШ президенти Рейган нғвогарлик мақсадида уюштирган телевизион масхарабозликни қаттиқ танқид қилди, бу масхарабозликда Польшадаги воқеалар сохталаштириб кўрсатилганлиги маълум.

Илгари ҳам айтиб ўтганимдек, Рейган бу соҳада бошқа халқларга сабоқ беришга мутлақо ҳақи йўқ, деб уқтирди Ж. Марше. Айни американликлар кўп йиллар давомида Вьетнам халқига қарши вахшиёна уруш олиб бордилар, айни улар шу қаҳрамон халқ яшаб турган мамлакатга иккинчи жаҳон уруши даврида бутун Европада ишлатилганидан кўра кўпроқ бомба ташладилар. Айни АҚШ ҳар куни Сальвадор озодлиги учун курашаётган кишиларни ўлдирмоқда.

Рейган мана шу теле масхарабозликда қатнашишга таклиф этган Маргарет Тэтчерга келганда ,унинг бу ҳақда гапириш учун ҳеч қандай маънавий ҳуқуқи йўқ, чунки Ольстерда инсон ҳуқуқлари учун курашган Боби Сэндс ва унинг ўртоқлари ҳалокати учун жавобгарлик айни Англия бош министри зиммасига тушади. Ниҳоят, Туркия ҳукуматининг вакили телекўрсатувда қатнашиш учун таклиф қилинганлиги бундан ҳам шармандали бир нарса бўлди, деди сўзини давом эттириб ФКП Бош секретари. Шу сабабли мен партиямизнинг съездида айтганимдек, бундай шахслар бошқаларга граждан эркинликларига риоя этилиши хусусида сабоқ беришга ҳақлари йўқ, деб таъкидлади Ж. Марше.

АҚШ ПОЛЬШАДАГИ ВОҚЕАЛАРНИНГ МАЪНОСИНИ БУЗИБ КЎРСАТМОҚДА

ЛУСАКА. «Фронт ёқаси»-даги мустақил давлатлар Ғарбнинг ЖАР иштирокида ўзларига қарши тайёрлаётган янги агрессив ҳуружларини даф қилишга шай бўлиб туришлари керак, деб уқтирди Замбия президенти К. Каунда.

К. Каунда Қўшма Штатларни Польшада содир бўлаётган воқеалар моҳиятини бўяб кўрсатишга уринишда айблади. АҚШ, деди у, Польша ҳукуматини «инсон ҳуқуқларини бузиш»да айбламоқда, ҳолбуки Ғарбнинг, аввало АҚШнинг ҳомийлиги билан ЖАРдаги оқ танли озчилик Африка аҳолисига қарши жиноятлар қилмоқда. Ғарб Польшага ҳуруж қилар экан, Апартеид давлатида одат тусига кириб қолган қотилликлар тўғрисида чўқ этмаяпти. Африкаликларни осойишталикка чақираётган овозлар айни бир вақтда поляклари галаён кўтаришга тиҳиҳлашига йўл қўйиб бўладими, ахир?

ВАШИНГТОННИНГ СИЕСАТИ — ХАЛҚЛАРНИНГ ХАВФСИЗЛИГИГА ТАҲЛИКА

АДАН. «Яқин Шарқ муаммоси ва империалистлар қуролланиш пойгасининг региондаги хавфи» мавзуида бу ерда ўтказилаётган халқаро конференцияда Яман Социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, ЯХДР Олий халқ кенгаши президиумининг раиси ва Бош министри А. Н. Муҳаммад нутқ сўзлади.

Империалист кучларнинг жазавали ҳаракатлари кучайиши натижасида дунёдаги аҳвол жуда чигаллашиб кетди, деб уқтирди у. АҚШ империализми ва унинг гумаштаси яна «совуқ уруш» замонларидаги сиёсатни ўтказишга, қуролланиш пойгасини кучайтиришга, дунёда вужудга келган ҳарбий мувозанатни ўз фойдасига ўзгартиришга, социализмга қарши бўлган реакцион кучлар фаолиятини активлаштиришга уринмоқдалар. Вашингтон социализм мамлакатларининг ишларига ошкора аралашмоқда, Польшадаги воқеалар буни очиқ-равшан кўрсатиб турибди.

Империализмнинг халқ манфаатларига зид бўлиб тушадиган сиёсати Оқ уй маъмуриятининг Яқин Шарқ, Африка ва Ҳинд океани районларини АҚШнинг ҳаётий манфаатлари зонаси деб эълон қилишга қарор берганлигида, «тез ҳаракат қилувчи кучлар» деб аталган кучларнинг тузилишида, Америка—Исроил стратегик иттифоқи мустаҳкамланиб бораётганлигида, Қўшма Штатларнинг дунёнинг турли районларидаги қуролли кучлари кўпайтирилаётганлигида яққол намоён бўлди, мана шуларнинг ҳаммаси халқларнинг хавфсизлигига бевосита таҳлика солмоқда.

(ТАСС).

ПБИП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЕСИЙ БЮРОСИНИНГ МАЖЛИСИ

ВАРШАВА, 7 февраль. (ТАСС). Бу ерда Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Польшадаги социал-сиёсий ва иқтисодий аҳволга баҳо берилди. Иқтисодий ислоҳотни жорий этишга алоҳида эътибор берилди.

Хом ашё, материал ва кооперация соҳасидаги қийинчиликларни бартараф этиш учун, контроль механизмларнинг фаолиятини, жумладан нарх-навони белгилаш вақтидаги ишларни яхшилаш учун ташкилий-техникавий куч-ғайрат сарфлаш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Сиёсий бюро конкрет ишлаб чиқариш проблемаларини ҳал қилиш, шунингдек меҳнат коллективларини бир мунча унумли ишлашга сафарбар этиш борасида завод, партия органлари ва воеводалик органлари ишини кучайтириш зарурлиги кўрсатиб ўтди. Кўмир қазиб чиқаришни кўпайтирган кончиларга мажлисда миннатдорчилик изҳор этилди.

Сиёсий бюро партия ташкилотларининг В. Ярузельский ПХРнинг яқинда бўлиб ўтган сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифаларини белгилади.

Қашшоқлик ва очлик Америка Қўшма Штатларида негр аҳолисининг доимий ҳамроҳи бўлиб қолмоқда. Суратда: Нью-Йоркдаги қора танлилар яшовчи район кўчаларидан бирида.

В. Решетилов фотоси. (ТАСС).

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

✦ БЕРЛИН. ГДР демократик хотин-қизлар иттифоқи округ ташкилотларида ҳисобот-сайлов конференциялари бўлиб ўтмоқда. Бу — XI конгрессга тайёргарлик борасидаги сўнгги босқичдир. Конгресс шу йилнинг мартида Берлинда ўтказилади.

Конференция делегатлари ГДР хотин-қизлари НАТО мамлакатлари амалга ошираётган хатарли қуролланиш пойгасига чек қўйиш тўғрисида якдиллик билан билдирган талабларини изҳор этиб, ялпи тинчлик ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун бутун куч-ғайратларини сафарбар қилишга даъват этмоқдалар.

✦ ТРИПОЛИ. Ливия жамоатчилиги Чадда тинчликни сақлаб турувчи Африка мамлакатларароро кучлар составида «американлик унсурлар» борлиги тўғрисида Африка Бирлиги Ташкилотига кирувчи давлатларнинг бошлиқларига хабар қилди. Ливия радиосининг хабар беришича, Ливия социалистик халқ араб жамоатчилиги бу фактга ана шу ташкилот уставини кўпол равишда бузиш деб баҳо бермоқда. Африка мамлакатларининг қўшинлари Чадда ана шу ташкилот ҳомийлигида турибди.

✦ ТОКИО. Бултур Японияда ёнғин натижасида 1970 киши ҳалок бўлди. Ёнғиндан деярли 60 мингта бино яксон бўлди, 144 миллиард иена миқдорида моддий зарар етказилди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

✦ ВАШИНГТОН. Расмий маълумотларга қараганда, ўтган йилнинг 1 октябридан 31 декабригача федерал муассасалардан 4.418 хизматчи бўшатилган. Шу муносабат билан «Вашингтон пост» газетасининг ёзишича, 1981 йилнинг кейинги уч ойи мобайнидагина шундан аввалги йилдагига нисбатан кўп федерал хизматчилар ишдан бўшатилган.

Бунда яна шуни айтиш керакки, маъмурлар ишдан бўшатиш тўғрисидаги хабарномаларни граждан муассасаларининг хизматчиларигагина топширадилар. Пентагон эса аксинча, қурол-яроғларни кўпайтиришнинг мисли кўрилмаган программасини бажариш учун ўз штатларини кўпайтирмоқда.

✦ КОБУЛ. Афғонистон билан социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорлик ривожланиб бормоқда. Афғонистон пойтахтида ГДРдан электр машина-ускуналарини харид қилиш тўғрисида битим имзоланди. Бу машина-ускуналар Афғонистон пойтахтининг янги кварталларида ўрнатилади ва минглаб квартираларни, кўпгина корхоналарни электр энергияси билан таъминлаш имконини беради.

✦ ДЕҲЛИ. Ҳиндистон ҳукумати мамлакатнинг энг йирик аэропортларини модернизация қилиш планини муваффақиятли равишда амалга оширмоқда. Бу план 10 йилга мўлжаллангандир. Деҳли, Бомбай, Калькутта, Мадрас аэропортларида янги учиш-қўниш майдонлари қурилмоқда, аэровокзалларнинг бинолари кенгайтирилмоқда. Замонавий навигация ускуналари ўрнатилмоқда. 1985 йилга бориб, деб хабар берди ЮНИ ахборот агентлиги, Ҳиндистон ҳаво йўллари хизматидан 20 миллиондан кўпроқ пассажирнинг фойдаланиши тахмин қилинмоқда.

(ТАСС, 8 февраль).

АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 541 ЙИЛЛИГИГА

ДАҲО ТУҒИЛГАН ДИЁРДА

РЕВОЛЮЦИОН Афғонистоннинг ўзбек тилида нашр этилаётган «Юлдуз» газетаси саҳифаларида устоз Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган мақолалар, шеърлар, тадқиқотлар ёритилаётир. Газетхонлар ўз отахон шоирларининг Толстой, Пушкин, Шекспирлардан ҳам қолишмас даражада жаҳон маданиятига улуғвор ҳисса қўшганини ўқиб ўрганмоқдалар.

«Юлдуз»нинг Навоийга дахлдор саҳифаларида асосан уч ҳолат яхлит кўзга ташланади: Навоийнинг ўз асарларидан парчалар ёритиш, Навоийнинг фаолияти ҳақидаги илмий ва бадиий асарларга ўрин бериш, бугунги революцион Афғонистон қаламкашларининг Навоийга назиралари ёки худди Ҳамза Ҳакимзода изидан машқ қилинаётганидек, Навоийга татаббўъ намуналарини дарж этиш. Ҳар учала ҳолатда ҳам «Юлдуз»нинг мақтовларга сазовор бўларлик ютуқлари бор. Ҳамма ҳолатда ҳам Навоий мадҳ этилади, унинг мангулик касб этган асарларининг жаҳоний аҳамияти уқдирилади. Энг муҳими бугунги Афғонистон учун қадр-қиймати улуғланади. Афғонистон меҳнаткашларининг ўз бахт-саодатлари учун курашда Навоий бунёдкорлигининг ҳамоҳанглиги тасвирланади.

Худди ана шу жиҳатларга кўра 1981 йили «Юлдуз» саҳифаларида чоп этилган «Улуғ устод», «Улуғ Навоий», «Улуғ бобом» шеърларининг муҳим аҳамиятлари бор. Ушбу катта-кичик ҳажмдаги шеърлар ғоявий мақсад йўналиши эътибори билан ягоналик, ҳамжиҳатлик касб этсаларда, ифода, ибора, композицион қонунлари жиҳатидан оригиналлик хусусиятларига эга. Демоқчимизки, ҳурматли афғонистонлик доктор Абдусалом Осим, Ашраф Азимий, Муҳаммад Амин Матин, Мумтоз Жузжонийларнинг ўз овозлари, ўз услублари ҳам кўзга чалиниб туради.

Чунончи, Мумтоз Жузжоний «Юлдуз»нинг 1981 йил 4 август сонида босилган «Улуғ Навоий» шеърини:

Эй Навоий ўзбеки тилга
адаб қурган бобом,
Фахримиз сиз, ҳақ йўлида
доимо юрган бобом,

Унутмаймиз жаҳон борича
бир дам,
Тирикмиз бул жаҳон бору
бу олам,—

байтлари билан бошланади. Шеърда Шермуҳаммад Мунис, Муҳаммадризо Огаҳийлар Навоийнинг мумтоз шогирдлари эканликлари ўқтирилади. «Ҳамса»да Мавлоно Жомий тавсифи, «Ҳайратул аброр»нинг туганмас... «васфи», «Ҳазойинул маонийи» (Чор девон), «Маҳбубул—қулуб»ларнинг қадр қиймати айтилади. Охирида инқилоби Саур туғдирган имкониятлар шароитида Навоийга ҳурмат ҳақида сўз кетиб, шеър қуйидагича муҳим замонавий вазифалар руҳида якунланади:

Ватанга инқилоби саур
келди,
Тузилди янги назму даврр
келди.
Уни эъзоз билан ёд
айлагаймиз,
Улуғ руҳини дилшод
айлагаймиз.
Ватанни айлагаймиз рашки
жаннат,
Қи фарҳунда яшайлик тинч
роҳат.
Будур бизга улуғ бир катта
армон,
Ватан обод бўлсин, халқ
шодон.

Қизиғи шундаки, афғонистонлик ўзбек шоирларининг Навоийга бағишланиб «Юлдуз» саҳифаларида ёритилган шеърларига зеҳн билан назар солсангиз, Навоий замонида қўлланган халқ сўзлари, бугунги афғонистонлик ўзбеклар муомаласида ҳам барқарорлигининг шоҳиди бўла оласиз.

Айтиш мумкинки, «Юлдуз» назмида Навоий замонавийлик касб этаётир. Улуғ устод ўз ижоди билан ҳам, бугунги авлодларнинг ижоди билан ҳам халқ хизматида, халқ билан бирга яшамоқда. Ушбу олийжаноб рафтор учун биз фақат Ҳирот, Машҳаддагина эмас, шунинг билан бирга Моваройуннаҳрда ҳам умргузаронлик қилган, қадимий Самарқандимизда олий таҳсилини мукаммаллаштирган Алишер Навоийнинг 541 йиллигини нишонлар эканмиз ўзбеклар диёридан, бахтиёр бугунги Ўзбекистонимиздан «Юлдуз» назмига яна ҳам ёрқинроқ дурахшонликлар хоҳиш этамиз.

Воҳид АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги,
Самарқанд.

Бир томондан ҳам келиб
турса навоо обшор.
Шу замон қоғоз қаламни
кўп адаб бирлан олиб,
Мир Алишери Навоий
номини қилсам шиор.
Не учунким ул кишн фахру
ҳашамга эгадур,
Ҳам фазилат дунёсида
соҳиби кўп эътибор.
Тўғри айтсам шеърият
дунёсида кўп оз эрур,
Мир Алишер Навоийдек,
кишига иқтидор.
Гулшани девонини бир сайр
агар этса кўнгул,
Жовидон сайқал топиб
бўлгай сафо ойинавор...

Шоир Абдусалом Осимнинг бу ажойиб шеърида лирик назокат барқ уриб турибди.

Ашраф Азимийнинг «Улуғ бобом Навоий» («Юлдуз», 25 август) шеърида эса публицистик лирика кўзга чалинади. 29 байт (58 миса)лик ушбу шеър:

Улуғ бобом Навоий сизга
раҳмат,
Ғурурим сиз менга ҳам
шону шавкат.

байти билан бошлайди-да, «Ҳамса»нигизни ҳар киши кўрса ақлдан лол ўлур» деб: «Мен бобомнинг йўлига кетсам басе Мумтоз ман...» деган хулосага келади. Навоийнинг олижаноб қаламкашлиги мактабида тоблана билиш мумтозликка олиб боради, деган мазмунни ифодалайди.

Доктор Абдусалом Осим ҳам «Улуғ Навоий» сарлавҳа остида «Юлдуз»нинг 1981 йил 11 августида ёритилган 21 байтлик шеърида ўзига хос қаламкашлик билан мадҳгўйлик қилади. У, аввало, табиатга мурожаат этади. Сержило баҳор манзараларини кўз ўнгидан ўтказади. Кўкламнинг тўти, қумри, булбуллари, сабзаю райҳонлари, оби кайсонларига, чўпон най навоси форамликларига қулоқ тутади. Сўнг ўз шеърининг иккинчи таркибий-асосий қисмига, ижодий фаолияти ҳамиша баҳордан иборат бўлган устод Алишер Навоий даҳосини қаламга олади:

Най навоси бир томондан
келса чўпонлар чолиб,

ЯНГИ ТАДҚИҚОТЛАР

АЛИШЕР Навоий ижодига муносабат турли асрларда турлича бўлган. Ўтмишга назар ташласак, навоийшунослик даражаси адабиётнинг тараққиёт мавқеи билан белгиланганлигини кўрамиз. Сўз санъати камол топган, адабий муҳит жонланган даврларда Навоий ижодига қизиқиш ҳам кучайган. Хусусан, адабиётшуносликда XVIII аср охири — XIX аср бошларидаги Хоразм адабий муҳитига мансуб қаламкашларнинг бу улуғ санъаткор анъаналари таъсирида ижод қилганликлари қайд этилади.

Шоир табиийки, ўз замонасида — Хуросон ва Моваройуннаҳр маданияти, жумладан, адабиётининг гуркираган даврида ниҳоятда машҳур эди. Навоийшуносликка оид дастлабки ишлар ҳам, шубҳасиз, ўша пайтда пайдо бўлган.

Навоий ижодини ҳақиқий ўрганиш эса бизнинг давримизда ривож топди. Шоирнинг жаҳоний шуҳрати ҳам совет замонасига тўғри келди. Эндиликда Алишер Навоий қолдирган бой бадиий мерос чинакамига халқ мулкига айланди.

Навоийшуносликнинг ана шундай янги қирраларига бағишланган эди.

Ҳеч бир шоир мероси Навоий ижодичалик ўрганилаётгани йўқ. Фикримизнинг далили шуки, 1981 йили «Фан» нашриётининг ўзи жами 25 босма жуз ҳажмда навоийшуносликка оид тўрт монографияни эълон қилди. Улардан бири — «Навоий ва ижод сабоқлари» китоби шоир таваллудининг 540 йиллиги ҳамда унинг ижодига бағишлаб ҳар йили бўладиган анъанавий илмий конференциясининг йигирма бешинчиси ўтказилганлиги муносабати билан нашр этилди. Мазкур конференциянинг кейинги-ларида тингланган қатор маъруза ва илмий ахборотлар ундан ўрин олди. Бу китоб Навоий меросини ўрганишга бағишланган илмий тўпламларнинг биринчиси эмас. Унга рус ёки ўзбек тилларида 1928, 1940, 1946, 1948 (икки тилда ҳам), 1968 йилларда эълон қилинган тўпламларнинг давоми сифатида қараш керак. Л. Н. Серикованинг «Алишер Навоий лирикасидаги кичик жанрлар» (рус тилида) монографияси шоирнинг қитъа, рубоий ва фардлари, Б. Ҳасановнинг «Алишер Навоийнинг «Сабъату абҳур луғати» монографиясида алломанинг арабча сўзлар бўйича тузган лугати, Б. Валиҳўжаев, Р. Воҳидовларнинг «Навоий ижоди — илҳом манбаи» китобчасида олим ва адиб Садриддин Айнийнинг Навоий ижодини тадқиқ этишга қўшган ҳиссаси ўрганилади.

Ана шу китобларнинг ўзиёқ навоийшуносликнинг ҳозирги тараққиёт йўналишлари хусусида мулоҳаза юритиш имконини беради. Кўриниб турибдики, адабиётшуносликка оид ишлар бу борадаги тадқиқотларнинг асосий қисмини ташкил этади. Анъанавий илмий конференцияларда ҳам ана шу нисбат устунлик қилади.

Таниқли навоийшунос, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги В. Зоҳидов сўзлари билан айтганда, навоийшунослик кейинги ярим асрда ундан олдинги қариб беш асрда қилинмаган ишларни амалга оширди. Зотан Навоий ижодини ўрганиш давом этмоқда.

С. ОЛИМОВ,
Ўзбекистон ССР ФА А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институтининг илмий ходими.

АССАЛОМ, БАҲОР ЭЛЧИСИ!

ЭТЮД

Бу йил қиш унча совуқ бўлмади. Лекин тоғларда қор қалин ёғиб, чанги ва чана ихлосмандларини хушнуд этди. Мен ҳам дўстларим билан Чимён тоғларига чанги учиш иштиёқида отландим.

Атроф гўзал, паст-баланд тоғлар оппоқ. Қор қуёшда товланиб кўзни қамаштиради. Совуқдан эт жунжикади. Бу ерларда кўпроқ ҳаракат қилинмаса совқотиб қолиш ҳеч гап эмас.

Биз тушга келиб чанги учиб чарчадик. Рўпарамиздаги оппоқ офтобрўяга чиқиб, атрофни томоша қилиб бироз дам олмоқчи бўлдик. Олдимизда югуриб кетаётган укам Мурод:

— Ака, ака, бўёққа келинглар!,— деб қолди.

Ҳаммамиз ўша ёққа жўнадик. Буни қаранг-а, олдимизда баҳор элчиси бойчечаклар қуёш тафтида эриб очилиб қолган ерларда тилладек товланиб турарди. Бу худди эртакдагидек эди.

Подшонинг қизи қор ёғиб турганда бойчечак сўраган экан. Мана оппоқ далалар ўртасида кимдир олтин тангачаларни сочиб юборгандек гуллар очилиб ётибди. Февралнинг дастлабки кунлари, қариялар ҳисобида чилла ҳали чиқмаган. Шунга қарамай бу нафис гуллар қордан очилган ерларда униб, қуёшга интилиб, баҳор яқинлигидан бизга хабар беради.

Орқамиздан етиб келган Садриддин уларнинг гул эканлигига ишонмай турди. Чунки бойчечакни кўрмаган экан-да.

— Қишда ҳам гул очиладими? Ҳиди йўқ-ку.

— Бойчечак ҳидини фақат баҳорни соғинганларгина сезади.

Дўстимга бойчечаклар ҳақида билган-эшитганларимни гапириб бердим.

Бу гуллар февраль ойининг бошларидаёқ ердан ёриб чиқади. Олдин фақат гулларигина кўринади. Кейин эса пояси ва яшил игна барглари пайдо бўлади. Дунёда йигирмадан ортиқ тури бўлиб, ранглари ҳам ҳар хил. Бизда оқ ва сариғи кўпроқ учрайди. Қўнғироқ гуллари пастга эгилган бўлиб, бу унинг ғунчасига сув тўпланишидан сақлайди ва гулнинг мўъалашига йўл қўймайди. Бойчечак гули олтита гулбаргдан иборат бўлиб, учтаси ичкарида, учтаси ташқарида жойлашган. Ҳиди жуда майин қор уфури билан бинафша иси қўшилгандек.

Бу табиат совғасидан опаларимизга бир жуфт-бир жуфтдан олиб хурсанд бўлиб қайтдик.

Ажабо, нечун бу гулни ҳамма эъзозлайди, у ҳақда куй-қўшиқлар тўқийди? Биз маррага биринчи келган спортчини ҳурмат қилгандек, баҳор элчисини ҳам худди шундай эъзозлаймиз.

Мухтор ЖУРАЕВ,
табиатшунос.

БИЗНИНГ АХБОРОТ

Китоб қаҳрамонлари экранда

Кинорежиссёр А. Слесаренко экранлаштирган янги фильм қаҳрамонлари ҳақида биз ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш» ва «Қўриқ» асарларида ўқиганмиз. Уч асарда тилга олинган қаҳрамонлар ҳақида энди экран тили билан ҳикоя қилинмоқда.

Фильм уч новелладан иборат. «Комиссар» деб номланган биринчи новелла Новороссийск учун жангларда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган М. К. Видов ҳақида ҳикоя қилади, «Кичик ер» китобида Л. И. Брежнев уни қувноқ ва жасур солдат сифатида тасвирлаган эди.

Иккинчи новелла «Бетон маликаси» деб номланган. Унда «Тикланиш» китобининг қаҳрамони Анна Лошкарёва гавдаланади. Маълумки, А. Лошкарева, ДнепроГЭСни қайта тиклашда ўз бригадаси аъзолари билан қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган эди.

Учинчи новеллада Қозоғистон чўлларини ўзлаштиришда фидокорона меҳнат қилган машҳур чўлқувар Василий Рагузов образи тасвирланади. «Қўриқ» китобида бу чўлқуварга Л. И. Брежнев самимий сатрларни бағишлаган эди. Янги ҳужжатли фильм-новеллалар Украина хроникал ҳужжатли фильмлар студиясида суратга олинди. Ҳадемай, республикамиз киноэкранларида ҳам у намойиш қилинади.

Юбилейга атаб

СССРнинг ташкил топганига 60 йил тўлиши муносабати билан қизиқарли кўргазмалар, панолар ташкил этилмоқда, учрашувлар ўтказилмоқда. Бу санага Навоий номли Давлат кутубхонаси ходимлари қизғин ҳозирлик кўришяпти.

Улар СССРнинг юбилейига бағишлаб иккита кўргазма тайёрлашяпти. Кўргазманинг бири мамлакатимиз куч-қудрати ҳақида ҳикоя қилса, иккинчисида эса халқлар дўстлиги таннуми этилади. Кўргазмага қўйилган китоблар турли даврларда нашр этилган. Уларда мамлакатимизнинг ўтмиши ва бугунги куни тасвирланган.

Кутубхонада китобхонлар учун кечалар, учрашувлар уюштириш мўлжалланган. Бу тадбирларда таниқли ижодкорлар иштирок этиб, СССРнинг 60 йиллигига бағишланган асарларидан намуналар ўқиб берадилар.

ОММАВИЙ-МУДОФАА ИШЛАРИ ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ДЕНГИЗЧИЛАР ҒАЛАБАСИ

Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотининг 64 йиллиги шарафига ўтказилаётган анъанавий ойлиқда областимиз досаафчилари фаол иштирок этишмоқда. Улар йил давомида қўлга киритган ютуқларини сарҳисоб қилишяпти, ўтказилаётган турли мусобақалар спортнинг техника ва ҳарбий амалий турларини ривожлантиришда, ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашда катта кўрик вазифасини ўтамоқда.

Ўтган шанба ва якшанба кунлари Олмалиқ шаҳрида мотокросс бўйича область биринчилиги бўлиб ўтди. Мусобақаларда областимиз шаҳар ва район ДОСААФ ташкилотларидан келган 200 дан ортиқ спортчи иштирок этди. Бир кун аввал эса Навоий шаҳрида денгиз учкураши бўйича республика чемпионати ниҳоясига етди. Уч кун давом этган беллашувда областимиз вакиллари муваффақиятли иштирок этдилар. Улар республика чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлишди. Эришилган ғалабага юксак натижага эришган Светлана Шаврова, Мурод Шарипов, Евгения Машенко, Олег Киселевлар муносиб ҳисса қўшишди.

Чимёнда авторалли бўйича ўтказилган республика мусобақасида областимиз досаафчилари фахрли тўртинчи ўрнини эгалладилар.

— Фақат бугина эмас, ойлик давомида яна бир қатор оммавий тадбирлар ўтказилмоқда. Область шаҳар ва районларида ҳарбий-ватанпарварлик мавзуидаги бадиий фильмлар намойиш этиляпти. Улуғ Ватан уруши ветеранлари билан учрашувлар ташкил этилмоқда. Бу тадбирлар, айниқса, Чирчиқ шаҳрида, Оржоникидзе районида намунали йўлга қўйилган. Мазкур ойлик шўҳасиз ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилади, — дейди область ДОСААФ комитети раисининг ўринбосари В. И. Ерхов.

Ҳали олдинда яна бир қатор оммавий-ташкилий тадбирлар бор. Досаафчиларни янги стартлар кутмоқда.

О. ҲУСАНОВА.

Реклама ва эълонлар

М. Қориёқубов номидаги ўзбек давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

13 февраль соат 19.00 да

М. Қориёқубов номидаги ўзбек давлат филармонияси «ХАНДА» АНСАМБЛИ ИШТИРОКИДА «ЕЛҒОНДАН ЕВҒОН ЯХШИ» деб номланган

КУЛГИ ВА ТАРАННУМ КЕЧАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Шерқўзи ҒОЗИЕВ, Зуҳра ҒОЗИЕВА, Ноила НУРМУҲАМЕДОВА, Санобар РАҲИМОВА, Розия НАЗАРОВА, Шарофат ЮЛДОШЕВА, Аъзам ҒОЗИЕВ, Усар ЮСУПОВ, Анбар ЮЛДОШЕВ.

Программани — Мамасоли ХОЛМАТОВ ва Зайниддин ОМОНОВ олиб борадилар.

«ХАНДА» ансамблининг бадиий раҳбари — Шерқўзи ҒОЗИЕВ.

Музика раҳбари — Рустам МАМАДТМУРОДОВ.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ МЕҲНАТ БЎЛИМИ

Қозоғистон ССРнинг Қараганда, Семипалатинск, Жезқазган шаҳар қурилишларида ишлаш учун

ЕЛҒИЗ ЭРКАК ВА АЕЛЛАРНИ ТАШКИЛИЙ РАВИШДА ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ишга жўнатиш — сешанба ва пайшанба кунлари.

Мурожаат учун адрес: шаҳар ва область ишга жойлаштириш бюроси, Тошкент шаҳрида Привокзальная кўчаси, 30-уй. Тошкент область ижроия комитетининг меҳнат бўлими.

Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министрлигининг «ТАШОБЛМЕЛИОВОДСТРОЙ» қурилиш бошқармаси қошидаги ҚУҚУВ ПУНКТИ қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Суворчи, бўёқчи, гишт терувчи, дурадгор, экскаватор машинисти, скрепер машинисти, бульдозер машинисти, тракторчи, автокран ҳайдовчи, электр-газ пайвандловчи.

18 ЕШДАН КИЧИК БЎЛМАГАН ЙИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқувчиларга ойига 76 сўм ҳажмида стипендия тўланади.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 3,5—5 ой.

Ўқиш даври узлуксиз меҳнат стажига қўшилади.

Ўқиш тамом бўлгандан кейин битирувчиларга бошқарманинг бўлинмаларидан иш тавсия этилади.

Ишчилар ётоқхона, навбати бўйича квартира билан таъминланадилар.

Бизнинг адрес: Тошкент области, Наримонов шаҳри, Экскаваторная кечаси, 51-уй, кадрлар бўлими.

Телевидение

9 ФЕВРАЛЬ

МТ-I

9.00 — Время. 9.40 — Моҳир қўллар. 10.10 — Киносаёҳатчилар клуби. 11.10—Фильм-концерт. 12.10 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар программаси. 15.55 — СССР халқларининг музикали фольклори. 16.35 — Қувноқ стартлар. 17.20 — Қ. Қораев. Симфоник поэма. 17.40—СССР билан Испания ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигининг йиллигига. «Пиренеялар ортида — Испания». Телевизион ҳужжатли фильм. 18.30 — Концерт. 19.00 —Расмларда қуёш акси бор. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Халқ оҳанглари. 19.45 — Ҳужжатли фильм. 20.25 — Одам қиёфасини ўзгартиради. Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия.— Ёз. 21.30 — Время. 22.05 — Одам қиёфасини ўзгартиради. Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия— Куз. 23.10 — Дунё воқеалари.

МТ-II

16.25 — Илмий-оммабоп фильм. 16.50 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Спорт ҳафталиги. 19.15 — Бўрон. Бадиий фильм. 20.30 — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Телевизион ҳужжатли фильм. 22.20 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Торпедо» — МАСК. 3-давр. 23.00 —Концерт. 23.15 — «Советская Россия» газетасининг совғини учун тўпли хоккей бўйича халқаро турнир. СССР—Швеция. 2-тайм.

18.05 — Соябон. Мультфильм. 18.10 — Кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари учун. Сўз кетидан сўз келар. 1830— Концерт. 19.10 — Миллионлар ленинча университети. Бекобод металлургия комбинати коллективининг социал иқтисодий вазифаларни ҳал этиш тажрибаси ҳақида. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ижод гулшани. А. Навоий туғилган кунинг 541 йиллигига бағишланган кўрсатув. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 22.25 — С. Алешин. «Ҳамма нарса одамларга қолади». Телеспектакль премьераси. 2-қисм.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 9/II да Келинлар қўзғолони, 10/II да Ғариблар, 11/II да Кузнинг биринчи куни.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 10/II да Хизматингизга тайёрмиз, 11/II да Ёшликда берган кўнгил.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 9/II Отилмаган ўқ (19.00), 10/II да Тиконсиз типратиконлар, 11/II да Гуноҳкор авлиё.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Янги программа. «ПАҲЛАВОН ВА ШЕР» аттрационни.

Тошкент область ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг раҳбарлиги, партия комитети ва шахсий состави Ички ишлар бошқармасининг ходими Л. А. Эпштейнга турмуш ўртоғи

Соломон Яковлевич ЭПШТЕЙНнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

САВДОГАРНИ ФОШ ҚИЛАМИЗ

БИРНИ ЎНГА...

Турмуш ўртоғининг оёғи куйган товуқдай типирчилаётганини кўрган Саноатхон шубҳаланди. «Бугун шанба — дам олиш куни бўлса,— кўнглидан ўтказди аёл, — сахардан бунчалик бесаранжомлик? Ишга-ку бормайдилар. Яна қандай юмуш чиқиб қолдийкин?»

Нонушта пайтида эрининг қўйнига қўл солди:

— Болаларни бир ўйнатиб келасизми, Шавкат ака?

— Қўятур, — кўзини қисди онла бошлиги, — томоша бўлса қочмас. Анави халтадаги «темир-терсакни» бир ёқли қилай, сўнг кўрсан, қозон ҳам мой, чўмич ҳам. Ўшанда, ўшанда биргалашиб айланармиз.

Наридан-бери нонушта қилган Шавкат «сирли» халтачани орқалаганча Собир Раҳимов районидаги Қорақамиш 2/4 массивидаги бозорга йўл олди.

«Тавба, шунча пайтдан бери ойликка қараб бошимни қотириб юрган эканман. Қўлдан берганга қуш тўймайди, деганларидек бу ҳақда олдинроқ ўйлаб кўрсам бўлмасмиди. Кони фойда бу ёқда экан-ку! Ҳозир нима кўп, шахсий «Жигули»си бор кишилар кўп. Эҳтиёт қисмлар эса аксинча. Шаҳардаги истаган техника хизмати кўрсатиш станциясига борсин, зарур қисмни топиб бўпти, қуруқ ваъдани олиб кетаверади. Айниқса, распредвал «аккониг уруғи» ўйлари ўзича.

Шавкат бозорга етиб келганида олди-сотди, бор-барака авжига чиққан эди. Омадни қарангки, бозор ёнида жойлашган автомагазинга яқинлашар экан, харидор ҳам оёқ остидан чиқди.

— Распредвал етиб келдими, хе қаёқда? Отлиққа йўғ-у, пиёдага йўл бўлсин, — синамаган отнинг сиртидан ўтмади Шавкат, — ўзим ҳам неча кундан бери излаб юрибман.

— Ўзингиздан қолар гап йўқ, ака, — илтимосга тушди харидор, — машинага ўрганган кишига қийин экан, қанотсиз қушдек бўлиб қолдик. Ёру-биродарлар дегандек... бирортасида топилиб қолар?

«Дўпписи тор келган кўринади, — кўнглидан ўтказди Шавкат харидорга бошдан-оёқ разм соларкан. Бундайлар беш-ўн сўмнинг фзрқига боришмайди».

— Оббо, сиз-ей, муомалангизга қойилман, тошни ҳам эритиб юборарканси, акаси. Ҳа, майли. Ҳозиргина бир ошнам иккитасини «омонатга» бериб кетган эди. Сизга назиб қилган экан.

— Бу ёғи қанча бўлади? — Бармоқларини ишқалади Дўстматов ва чўнтагини казлашга тушди.

— От билан туя бўлармиди, деди пинагини бузмай Шавкат. — Беш юз сўлкавой, акаси.

Харидор эҳтиёт қисмнинг ноёблиги-ю, давлат баҳоси 36 сўм 20 тийин туришини ҳам яхши биларди. Лекин гапирилган гап, отилган ўқ. Ўзи бош эгиб илтимос қилди, ялинди, ёлборди. Бинобарин нархини пасайтиришга лабзи чидамади, йигитлик ғурури йўл қўймади. 480 сўмга келишди-да, распредвални қўлтиққа урди. Аммо пулни чўнтагига солишга улгурмаган Шавкат Акромовнинг омади келмади. Бу сафар кўза синди, қўлга тушди...

Айнан шу пайт бошқа бир савдогар — Карим Усмонов ҳам бозорга етиб келганида ҳали тонг ёришмаган, бинобарин одамлар сийрак эди. Бамайлихотир жой танлаб, қоп тўшади, эҳтиёт қисмларни тартиби билан эскиларини бир ёққа, янгиларини иккинчи ёққа жойлаштирди.

Аттор халтасидан чиқаётган турли-туман запас қисмларни кўрган харидорлар тўплана бошладилар. Қарабсизки, бир зумда уларнинг чўнтаги қаппайиб қолди. Саёқ отарчи пулни кўриб муқом қилгандек, у ҳам бирни ўнга олаётган харидорларга мулозамат билан илжаяр, маддоҳга ўхшаб сайраради:

— Бензонасосми, 35 сўм, олинг, хожатингиз чиқсин.

— Антенна дейсизми, марҳамат. Бошқаларга 25 сўм бўлса сиз 23 сўм берақолинг. Тормоз колодкасини унутманг. Шу арзимаган нарса деб кейинчалик овора бўлиб юрасиз. Ўзим кекса ҳайдовчиман, аввало тормозга, тормоз шлангасига эътибор бериш керак. Неча сўм дейсизми, кепак нархи бўтам, кепак. 10 сўмгина хўлос.

— Кўтара савдога хушингиз қалай, биродар? — бошига тўсатдан гурзи тушгандек Карим ака Усмоновнинг кўзлари чақнаб кетди, тили танглайига ёпишди, оқарди, бўзарди, шу тоида дунё кўзига тор кўриниб кетди...

Дарвоқе, киши ҳушуур-ҳаловатини ғам-ташвиш бузади, оқибатини ўйламай ташланган ножўя қадам, қалол меҳнат қолиб қинғир йўлга кириш, бойликка хирс қўйиш, муккасидан маишатга учиш қаддини букади. Тошкент пиво ишлаб чиқариш бирлашмасининг ҳайдовчиси, «Суръат» маҳалласи фуқароси Шавкат Акромов шу пайтгача онласи билан тинч, хотиржам, бировдан олдин, бировдан кейин яшар, рафиқаси билан оладиган маоши рўзғор тебратишга бемалол етиб турганди. Тақдирига шукур қилиб, фарзандларини бағрига босиб эл-юрт қатори яшаш ўрнига қалтис ишга қўл урди, текин даромад йўлларини ахтарди. оқибати вой бўлди. Ш. Акромов уйи тинтув қилинганда яна уч комплект распредвал топилди.

Карим ака Усмонов эса «Главтаксасавтотранс»га қарашли 18-автобус паркининг собиқ ҳайдовчиси, ҳозир пенсияга чиққан. Давлат унга ойига, нақд 120 сўм тўлайди. Лекин у бунга қаноат қилмади. Бекорчиликка ғалати «ярмак» топди. Сайёр атторлик «касб»ини ўзлаштириб, автомашиналарнинг эҳтиёт қисмларини олиб сотиш йўлига ўтди. «Фаолият»нинг ишкали чиққан, тенгдошлари, ўзи яшайдиган «Тошкент» совхозининг маҳалла аҳли олдида юзи шувит бўлса ҳам сир бой бермай, пинагини бузгани йўқ.

Мабодо сизга ҳам машиналарнинг эҳтиёт қисмлари керак бўлиб қолса, қидириб овора бўлиб юрманг, уларнинг энди халталари бўш, ўзлари эса тегишли жазоларини олдилар.

Я. САЛИМОВ.

Редактор Н. НАСИМОВ.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари—335885, 325747, 337915, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048; 325354 партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги— 325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши—325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик—325733; фан маданий ва олий ўқув юртлари—325553; фотомухбир—325894.

Р. 13052. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64684. А. 1539.